

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
МУМТОЗ ФИЛОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

РАҲМАТОВА ГАВҲАР ОМОНОВНА

**«ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК»ДА КЕЛТИРИЛГАН ЛИРИК
ҚЎШИҚЛАР: СЕМАНТИКА ВА БАДИИЯТ МАСАЛАСИ**

Таълим йўналиши: 5220700 – Шарқ мумтоз филологияси

Бакалавр

даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:
фил.ф.д., проф. **Қ. Содиков**

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	2
I БОБ. «ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК» – ЭНГ ЭСКИ ТУРКИЙ ОҒЗАКИ ШЕЪРИЯТ НАМУНАЛАРИ ЖАМЛАНГАН АСАР	8
1.1. Туркий оғзаки шеърият тарихига бир боқиш	8
1.2. «Девону луғатит турк»да келтирилган лирик қўшиқлар ва уларнинг мундарижаси	13
II БОБ. «ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК»ДАГИ ЛИРИК ҚЎШИҚЛАР СЕМАНТИКАСИ	25
2.1. Лирик қўшиқларда сўз маънолари талқини.....	25
2.2. Лирик қўшиқларда кўп маънолилиқ масаласи	31
III БОБ. «ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК» АСАРИДАГИ ЛИРИК ҚЎШИҚЛАР БАДИИЯТИ	35
3.1. Лирик қўшиқларда қўлланган лафзий санъатлар	35
3.2. Лирик қўшиқларда қўлланган маънавий санъатлар	41
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	46
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	49
ИЛОВА	52

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақил бўлгач, барча соҳалар эркин равишда босқичма-босқич модернизация қилина бори. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов «Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий кадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимиз халқаро ҳамжамият тан олгани бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз»¹, - деб тўғри таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик бу олий неъматдир, уни фақат чин қалбдан англаш зарур.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашга боғлиқ. Ана шундай вазифани амалга ошириш учун Ватанига, халқига садоқатли, мустақил фикрлайдиган эркин, ижодкор шахсни шакллантириш мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ҳозирги даврдаги туб ислохотлар ҳар бир кишидан билим, салоҳият, самарали меҳнат, юқори малака, юксак онглилик, ижодкорлик, жамият олдида масъулиятни ҳис этишни талаб қилади. Бу муҳим вазифаларни амалга ошириш, маънавий бой, баркамол шахсни шакллантириш таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни изчил олиб боришни тақозо этади.

Маълумки, маънавият – ўзликни англашдан бошланади. Президентимиз Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатида маънавиятга энг муҳим масала сифатида катта аҳамият бериб келинмоқда. Давлат раҳбаримизнинг аксарият асарларида мазкур масалага асосий эътибор қаратилиб, унинг асосини ташкил этадиган адабиётимиз маънавиятимизни юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этиши кўп бора таъкидланади. Ана шу юксак эътибор натижаси сифатида республикаимиз мустақиллигининг 18

¹ Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. –Т.: O'zbekiston, 2008. –Б. 3.

йиллиги арафасида нашрдан чиққан «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» рисолаи фикримизнинг яққол далилидир. Рисолада «... адабиёт масаласи бу маънавият масаласидир»² деб таъкидланадики, бу хулоса нақадар тўғри ва ҳаққоний эътироф этилганлигини чуқур англаймиз.

Албатта, ҳар битта халқнинг маънавий юксалишида адабиётнинг ўрни бекиёс. Туркий халқлар маънавий муҳитининг шаклланишида, унинг кейинги авлодларга етиб келишида адабиётнинг – адабий асарлар тўпламининг ўрни каттадир. Айнан адабиёт воситасида туркий халқларнинг маънавий муҳити билан биз танишамиз, уни ўрганамиз. Адабиётнинг образлилиги, туйғуларнинг хилма-хил пафосларда кўриниши, халқнинг азалий қадриятларини ўзида мужассам қилиши маънавиятнинг шаклланишини, унинг сайқал топиб боришини билдиради. Чин маъноси билан айтганда адабиёт маънавиятнинг акси ва у ўзини намоён қиладиган кўзгусидир.

Туркий халқлар адабий мероси ўзининг сўзамоллиги ва самимийлиги билангина эмас, балки қадимийлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Биз туркий халқлар адабий меросини ўрганишда бир қанча адабий манбаларга мурожаат этамиз. Шулардан бири Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асаридир. Унда келтирилган туркий сўзлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари ўша давр нуқтаи назаридан анчагина пухта кўринишга эга. Умуман олганда, ислом давригача бўлган туркий адабиёт асосан оғзаки шаклда пайдо бўлган ва ривожланган деб ҳисоблаш мумкин. Буни биз бир қатор қадимий манбалар асосида далиллайдиган бўлсак, шулар ичида энг йирик манба бўлиб «Девону луғатит турк» асари хизмат қилади.

Шеърятда лирикани куйлаш, унинг ҳиссиётлари ҳақида ёзиш, кечинмаларини тасвирлаш, айниқса, кишини шу жараёнга тушириб кўйгандек кайфият ифодалайди. Лирика шунинг учун ҳам долзарбки, унда кўпроқ ички кечинмаларнинг берилгани боис бу кечинмалар ҳар қандай ўқувчига бегона эмас. Шундай экан поэзияда шеърнинг туйғулар тасвирини келтириш, лирик қаҳрамон кайфиятининг ифода этилиши каби ўринларда

² Karimov I.A. Adabiyotga e'tibor – ma'naviyatga, kelajakka e'tibor. –Т.: O'zbekiston, 2009. –Б. 23.

тасвирий бирликларнинг берилиши унинг наворотлигини ва таниш туйғулар эканлигини англатади. Тўғри, шеъриятда фалсафий, дидактик, ҳажвий шеърларнинг ҳам ўз ўрни бор, лекин шеъриятда лирика масаласи уларнинг ичида асос эканлиги бизга маълумдир. Негаки, шеъриятда фалсафий, дидактика, ҳажвия шеърларнинг келиши бу унинг хос хусусияти эмас. Бу хил турлардаги шеърлар прозага хос саналади. Лирикада ҳис-туйғуларни, инсоннинг ички кечинмаларини куйлаш, дард-ситамларни изҳор этиш орқали ўқувчи билан чегараланмаган вақтлар мобайнида дардлашиб бир-бирини қалбан тушуниш мумкин. Лирика ранг-барангликка асосланади, хилма-хилликда ўзини намоён этади. «Девон»даги лирик шеърларнинг ҳарорати шунча вақт ўтса-да, пасайгани йўқ. Яъни ҳозирги кунда ҳам сизу бизнинг туйғуларимиз билан топиша олади. Шундай экан, лириканинг юқорида билдириб ўтганимиз «чегараланмаган вақт» мобайнида мавжуд бўлиши аини шундай ҳақиқатдир.

Шунингдек, лирикада ошиқ, маъшуқа, ағёр образларининг чиройли далиллар билан, бадий санъатларда намоён бўлиши унинг ҳар жиҳатдан завқ билан ўқилишини таъминлайди. Лирик шеърларни долзарб билиб таҳлил этар эканмиз, унинг халқ ичида пайдо бўлишидан тортиб шаклланиши ва ҳар тамонлама бойиб бориши диққат марказимизда бўлмоғи жоиз. Лирик шеърлар қадимдан халқ ичидаги оғзаки куйлар натижасида тўқилиб, ҳозирги давргача ўз тараққиётида янги босқичларни босиб ўтган. «Девон»да берилган лирик шеърлар ҳам лафзий-маънавий жиҳатдан ҳар хиллиги билан эътиборлидир. Масалан, «Девон»да муаллиф сўзни далиллаб бериш жараёнида ўзи келтирган парчадаги сўзнинг қайси маънода келганини бериб ўтади. Ўша сўз баъзи ўринда ўз маъносида, баъзи ўринда бошқа (кўчма) маъносида келган бўлади. Бундай сўзларнинг бошқа сўзлар билан муносабатга киришиши бирор бадий санъатни ясаган бўлади. Зеро, сўз бирор маънода қабул қилиши учун маълум лафзий ва маънавий ўринга эга бўлмоғи жоиз. Бу эса лирик тушунчаларни аниқлашимизда асардаги парчаларда сўзнинг бирдан ортиқ маънони беришини билиб олишимизни

билдиради.

Биз ушбу битирув-малакавий ишимизни «Девон»даги лирик қўшиқлар семантикаси ва бадиияти масаласига бағишладик.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. «Девону луғатит турк» асари бўйича бугунги кунга қадар кўплаб илмий тадқиқот ишлари, магистирлик ва бакалаврлик ишлари ёқланган. Аммо асарда учрайдиган лирик шеърини парчалар юртимизда алоҳида тадқиқот объекти сифатида олинган эмас. Биз ушбу битирув-малакавий ишимизда лирик қўшиқлар семантикаси ва бадиияти масаласини баҳоли қудрат ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

«Девону луғатит турк» асарининг ягона қўлёзмасини 1915-1917 йилларда Киисли Аҳмад Рифъат Истанбулдаги Омира матбаасида уч жилдда чоп этган. Асарнинг айнан шу нашри унинг немис, турк, ўзбек, уйғур, қозоқ ва форс тилларга таржималари учун асосий манба бўлиб ҳизмат қилган³. Юртимизда асарнинг уч томлиги нашр этилган⁴ бўлиб, шу кунгача «Девон»нинг поэтикаси юзасидан юртимизда ва хорижда қуйидаги олимлар изланиш олиб борганлар: Дадабоев Х⁵, Стеблева И.В⁶, Хайитметов А⁷, Элове А.⁸

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Туркий халқлар адабиётини ўрганишда «Девон»нинг аҳамияти жуда катта. «Девон» нафақат луғат, балки туркий халқлар оғзаки шеърини тўғрисидаги ноёб асар ҳамдир.

Битирув-малакавий ишининг асосий мақсади «Девон»даги лирик қўшиқлар семантикаси ва бадиият масаласини ёритиб бериш эканлиги белгилаб олинди. Шу мақсадга эришиш учун битирув-малакавий ишига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- «Девон»да келтирилган халқ оғзаки ижоди намуналари ичидан лирик

³ Рустамий С. «Девону луғатит турк» даги лингвистик атамалар. – Т. 2006. – Б. 20.

⁴ Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3 томлик. – Тошкент, т. I, 1960; т. II, 1961; т. III, 1963.

⁵ Дадабоев Х. «Девону луғатит турк»даги туркий тилларга хос фонетик ва лексик-семантик хусусиятлар ҳақида//Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Т. 2008, - Б. 3-9.

⁶ Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – М., 1971.

⁷ Хайитметов А. О древней поэзии тюрков (по материалам «Девону луғатит турк» Махмуда Кашғари) // Советская тюркология, - Баку, 1972, № 1. С. 123-128.

⁸ Elove A. İ. Dîvanü Lugatit – Türk teki halk şiirleri // Türkün, 1936, sayı 6, 54-59; 7, s. 65-72; sayı 8, s.65-72; 1937, sayı 8, 1-8; sayı 10, s. 32-40; sayı 11, s. 29-38.

қўшиқларни ажратиб олиш;

- «Девон»даги лирик қўшиқларни таҳлил қилиб, уларни бугунги тилимизга ўгириш;

- «Девон»даги лирик қўшиқларнинг бадиий хусусиятларини таҳлил қилиш;

- «Девон»даги лирик қўшиқларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилиш;

Ишнинг илмий янгилиги. Мазкур битирув-малакавий ишимизда «Девону луғатит турк» асаридаги лирик қўшиқлар ва лирик тушунчалар ўрганиб чиқилди ва бугунги тилимизга ўтирилди. «Девон»даги лирик қўшиқларнинг бадиий ва семантик хусусиятлари таҳлил қилинди. Лирик қўшиқларда қўлланилган лафзий ва маънавий санъатлар ажратилди. «Девон»даги лирик қўшиқлар бўйича юртимиз ва хорижда қилинган илмий изланишлар ҳам ўрганиб чиқилди.

Ишнинг тузилиши. Битирув-малакавий иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ҳамда иловадан иборат.

I БОБ. «ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК» – ЭНГ ЭСКИ ТУРКИЙ ОҒЗАКИ ШЕЪРИЯТ НАМУНАЛАРИ ЖАМЛАНГАН АСАР

1.1. Туркий оғзаки шеърият тарихига бир боқиш

Инсонларнинг борлиқдаги воқеа-ҳодисаларга ўз нуқтаи назаридан ёндашиши дастлабки оғзаки бадий парчалар ва оҳангдорлик жиҳатидан таъсирли бўлган ижод намуналари пайдо бўлишига олиб келган. Бундай ижод намуналарининг ташкил топишида ўша давр шарт-шароити, одамларнинг меҳнат ва турмуш тажрибалари, дунёқараш ва тушунчалари ҳал қилувчи рол ўйнаган.

Меҳнат жараёни ҳамда онгнинг ривожланиши воқеа-ҳодисалар талқинида оддий баёндан узоқлашиб образли воситалар орқали тасвирлашга туртки бўлган. Содда ва такрорий жумлалар бадий тил воситалари билан бойий бошлаган. Оддий сўзлар ўрнини эндиликда қўшимча маъноли сўз, сифатлаш, муболаға ва ўхшатишнинг илк намуналари эгаллай борган. Меҳнаткаш халқ оммаси томонидан қўлланилган дастлабки халқ оғзаки ижоди намуналарини кузатиш жараёнида бунинг яққол исботини кўриш мумкин. Энг аввал кичик-кичик мақол ва афсоналар, меҳнатни енгиллаштирувчи, руҳан тетиклаштирувчи қўшиқлар ва эртаклар яратилган.

Энг қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари ёзув юзага келмасдан анча илгари пайдо бўлган ва ёзма адабиётнинг ташкил топишига таянч вазифасини ўтаган. Қадимий туркий халқлар оғзаки ижод намуналари асл ҳолида, тўла равишда бизгача етиб келмаган. У оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодага ўтиб ижодий ишланган. Ҳар бир материал турли хил ижтимоий қатламлар таъсирида ўзгариб, шакл ва мазмунида янги-янги ўзгаришлар юзага келган.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги замонларга оид айрим оғзаки адабий ёдгорликлари баъзи бир манбалар орқали бизга қадар сақланиб қолган. Бу манбалар тарих китоблари, илмий асарлар, ёзма ёдгорликлар ва бошқалардан иборат.

Энг қадимги халқ оғзаки ижоди асарлари мифлар, жангнома типигаги

афсоналар, қаҳрамонлик ва паҳлавонлик эпослари, кўшик ва мақоллардан ташкил топган. Бундай оғзаки адабиёт ёдгорликлари Ўрта Осиё халқлари Яқин Шарқ ёзма манбаларида эрамиздан аввалги VIII асрда биринчи бор тилга олинади.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликда Ўрта Осиё аҳолисининг деярли барчаси Эрон тиллари гуруҳига кирувчи диалект ва шеваларда гаплашганлар. Кейинроқ Ўрта Осиё ҳудудида туркий тиллар гуруҳи ҳам тарқала бошлайди. Бу жараённинг бошланиши Ўрта Осиёга Хунларнинг кўчиб келиши билан боғлиқдир. Хунлар Ўрта Осиёга эрамиздан олдинги иккинчи асрда кўчиб кела бошлаган. Улар Олтой оиласининг туркий гуруҳига кирувчи тилларда гаплашганлар. Хунлар эрамиздан аввалги II-I асрларда Еттисувга, Сирдарё чўлларига кўчиб келиб, аста секин маҳаллий халқ массагетлар билан чатишиб кета бошлайдилар. Шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёда туркий тиллар гуруҳи кенг тарқала борди ва туркий адабиёт шакллана бошлади. Бу жараён бевосита халқнинг оғзаки ижод намуналари билан боғлиқдир. Оғзаки ижод намуналарида тилнинг маълум даражадаги пафос, бадий санъатлар ила шакллана бориш жараёнини кузатишимиз мумкин.

Туркий халқлар оғзаки ижоди жуда қадим тарихга эга. Туркий халқлар оғзаки ижоди тарихининг илк даврлари ўрганилганда туркийлар номи билан шуҳрат қозонган кўплаб халқларнинг маданиятига мурожаат қилиш ўринлидир. Чунки бугунги кунда мустақил миллат сифатида шакланган ўзбек, қozoқ, қирғиз, бошқирд, қорақалпоқ, туркман, уйғур, озарбайжон, гагауз, усмонли турк, татар, ёкут ва бошқа халқлар қадимги туркийларнинг авлодларидир⁹.

Туркий уруғлар ва қабилаларнинг шаклланиши бир неча эпосларда ўз ифодасини топган. Масалан, «Алпомиш», «Ўғузнама», «Қўрқут ота китоби», «Манас», «Маадай Қора» каби эпослар шундай хусусиятга эга. Бу дostonларда туркийларнинг донишманд оқсоқоли ёки уруғ бошлиғи образи

⁹ Абдурашид Абдурахмонов. Туркий халқлар оғзаки ижоди (Энг қадимдан исломгача бўлган давр). – Т. 2004, –Б. 9.

яратилган бўлиб, улар уруғларни бирлаштириш, аҳиллигини таъминлаш, руҳлантиришдек улуғ мақсад билан яшайдилар. Қабилаларнинг шаклланиш даврини акс эттирган эпослар бизнинг замонамизда турли миллат фольклоршунослари томонидан тикланган ёки улар турли халқлар адабиётига нисбат берилишидан қатъий назар улар барча туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланади. Чунки, уларда туркийларнинг ҳали турли миллатга ажралиб, шаклланмаган даврларидаги ҳаёт тарзи, урф-одати, орзу-умидлари ифодаланган¹⁰.

Туркий халқлар тарихда ўзининг бой маънавий мероси билан алоҳида ажралиб туради. Бу бой маънавий мерос қадимийлиги билангина эмас, балки сўзга чечанлиги ва самимийлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Туркий халқлар оғзаки шеърятининг ривож топишида туркийларга хос бўлган урф-одат, маросим ва анъаналар алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, туркий шеърят туркийларга хос бўлган муҳитда: халқона урф-одатларга содиқлик, сўзамонликнинг халқчиллиги, кенг ҳудудга ёйилган элатнинг элпарварлиги, курашчанлиги ва ғайратлилиги ҳамда баланд иштиёқ руҳида юзага келган. Бу шундай муҳитки, унинг ўзига хос жозибаси, салоҳияти бор. Агар бизгача етиб келган туркий адабий меросга назар ташлайдиган бўлсак, уларда халқ оғзаки ижодининг аҳамияти салмоқли ўринни эгаллайди.

Ўрта Осиёнинг қадимги қўшиқ ва лирик шерларидан айрим намуналар турли хил манбалар, илмий асарлар («Авесто», «Девону луғатит турк») орқали етиб келган. Энг қадимги оғзаки адабиёт ёдгорликларини ўрганишда айниқса «Девону луғатит турк»даги адабий парчалар катта аҳамиятга эга. «Девону луғатит турк» XI асрнинг буюк тилшунос олими Маҳмуд Кошғарийнинг лингвистик асари бўлиб, муаллиф туркий сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлаш учун халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланган.

Асарда келтирилган лирик қўшиқларга тўхталишдан аввал, қўшиқ терминига тўхталиб ўтсак. Қўшиқ термини биринчи марта, «Девону луғатит турк» асарида *qoʻshiq* шаклида берилган бўлиб, бу сўзнинг изоҳи шеър, қасида

¹⁰ Абдурашид Абдураҳмонов. Туркий халқлар оғзаки ижоди (Энг қадимдан исломгача бўлган давр). – Т. 2004. –Б. 126

деб кўрсатилган¹¹. Шунингдек «қўшиқ» сўзини Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида, XII асрда ёзилган Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамат ул-адаб» луғатида ҳам худди шу маъноларда учратамиз. Хусусан, Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» ва Захириддин Бобурнинг «Рисолаи аруз» асарларида *қўшиқ* сўзи *суруд, аёлғу, лаҳн, турки тарона, ашула, ўлан, чинга* номи билан ҳам тарқалган, улар қўшиқнинг турли жанрларини аташ учун қўлланилгани баён қилинади.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилларда қўлланувчи сўзларни изоҳлаш, ҳар бир туркий қабилаларнинг ўзига хос хусусиятларини бериш учун алоҳида бир йўл тутди¹². Буни муаллиф шундай эътироф этади: «Мен ҳар бир қабилага мансуб сўзларнинг ясаиш хусусиятларини ва қандай қўлланишини қисқача изоҳлаб кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим. Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланилиб келинган шеърлардан, шодлик ва мотам кунларида қўлланиладиган ҳикматли сўзлардан, мақолларидан келтирдим»¹³.

Гарчи асардаги шеърлар туркий халқлар оғзаки ижодининг бизга маълум бўлган дастлабки шеърият намуналари бўлишига қарамай, ушбу парчаларнинг шаклий қурилиши, бадиий жиҳати ва фалсафий маънолари уларнинг бугунги кундаги қимматини белгилайди.

«Девону луғатит турк»даги қўшиқлар қуйидагича тасниф қилинади:

1. Мавсум қўшиқлари. 2. Лирик қўшиқлар. 3. Маросим қўшиқлари. 4. Меҳнат қўшиқлари. 5. Тарихий қўшиқлар.

Меҳнат қўшиқларида меҳнат жараёни, ибтидоий жамоа анъаналари, қабила аъзоларининг бирликдаги меҳнати, зиддиятлари акс этилган.

Лирик қўшиқларда севимли, андишали, ҳаёли, оқила ёр образи, унинг ноз-карашмалари ва ошиқнинг ҳижрон азоблари ифодаланади.

Овчилик билан боғлиқ қўшиқларда кишиларнинг овчилик санъати, овга

¹¹ Ушбу битирув-малакавий ишни ёзишда «Девони луғатит турк» асарининг С.М. Муталлибов томонидан амалга оширилган нашридан фойдаланилди. *Маҳмуд Кошғарий*. Девони луғотит турк, 3 томлик. I том. – Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси, 1960. –Б. 357.

¹² У. Турсунов, Б. Ўринбоев, А. Алиев. Ўзбек адабий тили тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 67.

¹³ *Маҳмуд Кошғарий*. Девони луғотит турк, III томлик. I том. –Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси, 1960. –Б. 47.

бўлган қизиқиш тасвирланади.

Қаҳрамонлик қўшиқларида қабилалар ўртасидаги жанг эпизодлари ва қабилла баҳодирларининг мардона кураши тасвирланган. Бундай қўшиқлар ражоз деб юритилган.

Маросим қўшиқларидан «Девону луғатит турк»да марсия жанридан парчалар келтирилган. Бу парчалар жанг майдонида баҳодирларча ҳалок бўлган қаҳрамонларга бағишланади. Мисол учун, Алп Эр Тўнгага бағишланган қўшиқлар, уларда баҳодирнинг мардлиги, жасорати, фазилатлари макталиб мотам тутилади.

«Девону луғатит турк»даги қўшиқларнинг кўпи мавсум қўшиқлари ва пейзаж лирикаси жанрига киради. Қадимги инсонлар табиат ҳодисаларини яхши ва ёмон кучларга бўлишган. Қўшиқларда қадимги инсонларнинг фаслларга муносабати ифодаланади. Қишга салбий, ёзга ижобий муносабатда бўлганлар.

«Девон»даги адабий парчалар ёлғиз XI аср адабиётидангина намуна бўлмай, уларнинг катта бир қисми жуда узоқ ўтмиш даврлар маҳсулидир.

«Девон»даги халқ оғзаки ижоди намуналарида халқнинг энг яхши орзулари, юксак инсоний фазилатлари бой ва чуқур руҳий кечинмаларда ифодаланган. Мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлган лирик қўшиқларда объектив воқеликдаги муайян ҳодисалар инсон қалбида туғдирган туйғу ва ҳислар кенг ёритилган. Ишқ-муҳаббат мавзуидаги лирик қўшиқлар мазмундорлиги, мусиқийлиги, дилга яқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларда ҳақиқий севгини улуғлаш, унинг қадрига етиш, маънавий ва ахлоқий софлик, вафо ва садоқатнинг қиммати табиий ва самимият билан тасвирланади.

Оғзаки шеърят туркий халқларда уларнинг муҳитига, дунёқарашига нисбатан ички кечинмаларнинг турли бўёқларда берилишини кўрсатиб беради. Лирик шеърятнинг туркийлар дунёқарашида қандай шакллангани «Девон»даги шу мавзудаги шеърларнинг келишидан билиб олинса бўлади.

1.2. «Девону луғатит турк»да келтирилган лирик кўшиқлар ва уларнинг мундарижаси

Лирик кўшиқлар инсон руҳида ташқи муҳит таъсирида вужудга келган хис-туйғуларни, ички кечинмаларни ифодаловчи восита ҳисобланади. Лирик кўшиқларнинг мазмунини оддий сўзлашув тарзда, яъни ундаги фикрни содда сўзлар билан баён этган ҳолда ифодалаш мумкин эмас. Иззат Султон «Адабиёт назарияси» дарслигида лирикада ҳар қандай хис ва фикрлар эмас, балки «хос ҳол» ва «хос маъно» ўз иникосини топади дея эътироф этган эди¹⁴.

Соф лирик кечинмалар наворотлиги, образларга бойлиги ва ўзига хос пафоси билан ҳамма даврда ўқувчи кўнглини ўзига ром этиб келган. Жаҳон адабиёти тарихида туркий халқлар шеърляти, шубҳасиз, алоҳида ҳодиса сифатида ўрганилади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари турк шеърлятининг илдизлари, унинг мавзу кўлами ҳақида кенг маълумот беради. Хусусан, туркий халқлар оғзаки шеърлятидаги лириканинг илк куртаклари ана шу асардан ўрин олган шеърӣ парчаларда учрайди. Кошғарӣ ўз даврининг йирик тилшуноси, туркий халқлар урф-одатларининг билимдони ва илғор фикрли кишиси ўларок, ҳар бир сўзни ўзига хос ифода ёҳуд бирор шеърӣ парча билан далиллайди.

Кошғарӣ «Девону луғатит турк»да туркий халқлар истеъмолидаги сўзларни луғат тарзида бериш ва шарҳлаш орқали ўша давр туркий тил бойлиги ҳақида ўқувчиларга қимматли маълумотлар қолдиради. Туркий матнларда кўпроқ ҳукмдорлар номига мадҳлар ва алқовлар, уларнинг давлат бошқарувидаги сиёсати ҳақида сўз юритилган бўлса-да, «Девону луғатит турк» асарида кўриб ўтиладиган парчаларда матнлар ёзилишидаги бир хиллик ўзгариб борганига гувоҳ бўламиз. Қадимги туркий матнларда лириканинг келтирилишини оладиган бўлсак, Маҳмуд Кошғарӣ замонасига келиб, хусусан, унинг «Девону луғатит турк» асарида шеърнинг илк вазнли қолиплари ва содда ташбеҳ ҳамда муболағаларнинг ишлатилишини

¹⁴ Султон И. Адабиёт назарияси. –Тошкент, 1980. –Б. 252.

кузатамиз.

Асардан жой олган халқ оғзаки ижод намуналари орасида лирик шеърлар анчагина ўринни эгаллайди. Бу мавзуга оид шеърларнинг сони ўттизга яқин. Лирикага оид шеърларнинг ўзи ҳам маъшуқа васфи, ошиқнинг ўтли ҳижрон дамлари ва ўз маъшуқасига мурожат шеърларидан иборат.

Мисол учун: أُلَاسْ كُوزْ: أُلَاسْ – *ulas, ulas köz* – «сузилган», «ёқимли кўз»¹⁵ сўзини изоҳлаш мисолида қуйидаги шеърий парчани келтириб ўтади:

بُلْنَارْ مِينِيْ اُولَاسْ كُوزْ

قَرَا مَنَكِيْزْ قِيْزِيْلْ يُوْزْ

اَنَدِيْنْ تَمَارْ تُوْكَالْ تُوْزْ

بُلْنَابْ يَنَا اُولْ قَجَارْ

Bulnar meni ulas köz,

Qara meniz qizil yüz.

Andin tamar tükäl tüz,

Bulnar yana ol qaçar (ДЛТ.І.92).

Бу парчада: **bulna-** – мафтун этмоқ, шайдо қилмоқ (ДТС.123)¹⁶; **ulas** – тим қора (ДТС.383); **mej** – хол (ДТС.342); **tükäl** – бутунлай, мукаммал, камолотга етган (ДТС.595).

Келтирилган ушбу парчада ёр ўз суюкли маҳбубасига таъриф бермоқда. Уни мафтун этган гўзаллигининг тасвир-ҳолатини бериб ўтмоқда. Дастлабки мисрадаги *ulas* сўзи асли «тим қора» маъносида бўлса ҳам бу ерда «хумор, мастона, шаҳло» маъноларини билдириб келмоқда. Яъни, маъшуқанинг хумор кўзлари, қора холи, қизил юзи ошиқни мафтун этмоқда. Учиничи мисрадаги *tükäl* – «бутунлай, мукаммал, камолотга етган»; *tüz* – «текис, силлиқ»дегани бўлса ҳам, *tükäl tüz* бирикмаси «ширинлик, бол» маъноси билдирмоқда. Ошиқни маъшуқа юзидан ширинлик томаётгандек ўзига тортиб асир қилмоқда-ю, яна ундан узоқлашмоқда. Сўнгги мисрадаги *qaçar* бугунги кунда ижобий маънода қўлланмайди, лекин бу мисрада ушбу сўз

¹⁵ Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк), III томлик. I том. –Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси. 1960. –Б. 92.

¹⁶ Ушбу битирув-малакавий ишда «Девон» даги шеърий парчаларни ҳозирги она тилимизга таржима қилиш учун қуйидаги луғатдан фойдаланилди: Древнетюркский словарь, Наука. –Л. 1969.

«қочмоқ» маъносида эмас, балки «узоқлашмоқ, ёр ёнидан ўтиб кеток» маъноларида қўлланган. Бунда эса ёрнинг жафокашлигидан ёр шикоят оҳангида сўзламоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, парчани ҳозирги ўзбек тилимизга қуйидагича ўгириш мумкин:

Мафтун этар хумор кўз,

Қора холли, қизил юз.

Ундан томар тугал туз,

Асир қилар-у қочар¹⁷.

«Девон»да келтирилган лирик шеърӣй парчаларда ёрдан айрилиқ мавзусидаги тўртликлар ҳам мавжуд. Уларда лирик қаҳрамоннинг ҳижрон ва фироқдаги ҳолати бадиӣй жиҳатдан безалган ҳолда берилган.

Бунга мисол тариқасида қуйидаги мисрани келтириш мумкин:

بَرْدِ كُوزُمْ يَرْقى

أَلدى اَزْمُ قُنقى

قَندا ارنج قَنِقى

أمدى اوزين اوزغورور

Bardī közüм yaruqī,

Aldī özüм qonuqī.

Qanda erinč qanīqī,

Emdi uđin uđğurur (ДЛТ.І.81).

Ушбу шеърӣй парчада: **bar** – бор, мавжуд бўлмоқ (ДТС.83); **yaruq** – нур, тонг, ёруғлик, ялтираш, ёғду; **Bardī közüм yaruqī** – кўзимдан йўқолди (ДТС.244); **qonuq** – 1. қўноқ, 2. меҳмондўстлик (ДТС.456); **erinč** – толеи паст, толесиз, бахтсиз; кучайтирув юкламаси ўрнида ҳам ишлатилади (В. Yusuf. Mumtoz adabiy asarlar lug'ati. 118); **qanīqī** – қандай, қанақа, шундай, мана шундай, қаёқда (ДТС.418); **qanda erinč qanīqī** – унинг манзили қаерда? (ДТС.419)

Ушбу шеър ҳам тўртлик шаклида бўлиб, уч қаторида «*yaruqī*», «*qonuqī*»,

¹⁷ Туркий тилдаги шеърӣй парчаларнинг ҳозирги ўзбек тилига таржимаси муаллиф томонидан амалга оширилди.

«*qanīqi*» сўзлари оч қофия билан боғланган. Бунда ҳам лирик қаҳрамоннинг мурожаати берилган. У ёрини кўзининг нурига тенглаштиради. У кетгач танамнинг руҳини ўзи билан олиб кетди, энди кечалари бедорман, дея ошиқ ўз холини баён этади.

أَنْدِقْتِي *andiqtī* – онт ичди. أَرِ أَنْدِقْتِي *er andiqtī* - киши онт ичди¹⁸ сўзларини изоҳлаш асносида муаллиф қуйидаги шеърий парчани келтириб ўтади:

فُعِشْتُ بِئْسَا أَنْكَ يُوزِينَا
السَّقَرُ أَوْ كُنْ أَنْكَ سُوزِينَا
مَنْكَ كِشَى يُلْغَى بُلْبُ أَوْزِينَا
بِيرْكَالَرُ أَذِنْ أَنْكَ كُوزِينَا

Qoyğaşup yatsa anīñ yūziñä,

Alsīqar ökin anīñ söziñä,

Min kişi yoluğı bolip öziñä,

Bergälär ödin anīñ köziñä (ДЛТ.I.245).

Ушбу шеърий парчада: **qoyğaş-** – қучоқлаб ётиш: *Qoyğaşup yatsa anīñ yūziñä*, *Alsīqar ökin anīñ söziñä* – [ким билан] бирга ётса, унинг юзи ва сўзидан ўзини йўқотади. (ДТС.453); **alsīq-** – маҳрум (жудо) бўлмоқ; йўқотмоқ, қўлдан чиқармоқ, бой бермоқ; ажралмоқ; (ДТС.39); **yoluğ** – *yuluu bol-* – ўзини қурбон қилмоқ (ДТС.278) маъноларини англатади.

Ушбу шеърий парча тўртлик шаклида ёзилган бўлиб, унинг тўртала қатори «*yuziñä*», «*söziñä*», «*öziñä*», «*köziñä*» сўзлари билан қофияланган. Ушбу шеърда маҳбуба гўзаллигининг таърифи берилган эмас. Унинг ўрнига шоир бошқача йўлни тутди. Шоир биринчи ва иккинчи қаторлар орқали, ошиқ маҳбубанинг ҳузурида бўлса, унинг юз гўзаллиги ва сўзларининг сеҳридан ҳушини йўқотади, деган тушунчани илғашимиз мумкин. Бундай ҳолда шоирнинг маҳорати ташбеҳсиз ҳам маҳбуба гўзаллигини шеърда бизга маълум қила олганидир. Охирги икки қаторда эса шоир бундай ҳуснга эга маҳбубага минг киши шайдо бўлиб, унинг кўзларига фидо бўлади, деган фикрни баён қилади. Бундан эса маҳбубанинг кўзлари қанчалик жон олувчи

¹⁸ Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк). III томлик. I том. –Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси. 1960. –Б. 245.

эканлигини пайқашимиз мумкин.

Юқаридаги таҳлиллардан келиб, чиқиб ушбу парчани ҳозирги она тилимизга қуйидагича ўгириш мумкин:

*Бағрида унинг боқса юзига,
Йўқотар ҳушин унинг сўзига,
Минг киши шайдо бўлиб ўзига,
Фидо бўларлар унинг кўзига.*

Қуйида келтириладиган парча ҳам ошиқнинг ўз маъшуқаси васлида, хижрон кунларида битилган шеърга мисол бўла олади.

يَغْلَبُ اَدُو اَرْتَدِم
بَغْرِمِ بَاشِنِ قَرْتَدِم
قَاجْمِيشِ قُتُغِ اِرْتَدِم
يَغْمُرُ كُنِي قَانِ سَاجَارُ

*Yiğlab udu artadim,
Bağrım başın qartadim,
Qaçmıış qutuğ irtädim,
Yağmur küni qan saçar (ДЛТ.ІІ.270)*

Ушбу шеърий парчада: **arta-** – бузилмоқ, яроқсиз холга келмоқ, ёмонлашмоқ, оғирлашмоқ, ёмонлашиб кетмоқ, хароб бўлмоқ, вайрон бўлмоқ (ДТС.56); **baş** – яра (ДТС.87); **qarta-** – ярани тирнамоқ, очмоқ, янгиламоқ (ДТС.430); **irtä-** – қўмсамоқ, хоҳламоқ (ДТС.212).

Бу мисрада ҳам айрилик қайғуси: ёр ўз суюклиси билан ўтказган дамларини эслаб азоб чекмоқда. Биламизки, шеъриятда ошиқ ўз маъшуқасидан айрилса, «унинг қалби яраланди» дейилади. Иккинчи мисрада ҳам ошиқ ўз ёрини эслаб битай деган қалб ярасини янгилаяпти. Ўз ёрининг қайтишини истаган ошиқ, қанчалик чуқур изтироб тортаётганини билдириш учун кўзидан оқаётган кўз ёшларини қонга менгзайди. Бу мисрада муболаға санъатидан усталик билан фойдаланилган. Тўртликда чуқур изтиробга тушган лирик қаҳрамоннинг кечинмалари берилади. У севган ёрини эсга олиб қалбидаги ярасини яна янгиламоқда. Бундан шу нарса маълум

бўладики, ошиқ севган ёрини эсидан чиқаришга уринмоқда, лекин бундай қисматга у рози эмас. У бир ёрини эсласа, бир ҳолатда бирор нарса билан овунати, аммо яна у суюқлисини ёдидан кетказа олмайди.

Юқоридагиларга асосан шеърӣй парчани ҳозирги ўзбек тилига шундай ўгириш мумкин:

*Йиглаб севгим эсладим,
Қалб ярасин тирнадим.
Кетган бахтим изладим,
Кўз қон ёмғирин тўкар.*

«Девон»да нафақат тўртликлар, балки иккиликлар ҳам мавжуддир. Бу иккилик мисраларда тўртликлар сингари яхлит маъно ифодалайди ва бадий жиҳатдан ҳам кишига эстетик завқ бера олади. Мисол учун:

أَفْلَلُرُ أَوْزُمُ أَنْكَ تُوزِنَا
أَمْلَلُرُ كُزُمُ أَنْكَ تُوزِنَا
Awlalur özüм anің түзіңä,
Emlälür közim anің түзіңä (ДЛТ.I.290).

Ушбу парчада: **awlal-** – асир бўлмоқ; **Awlalur özüм anің түзіңä** – мен унинг гўзаллигига асирман (ДТС.70); **tüz** – содиқ, вафодор, вафоли (ДТС.602); **emläl-** – даволамоқ, шифоламоқ, боқмоқ, муолажа қилмоқ (ДТС.173);

Юқоридаги иккиликда «*anің түзіңä*» сўзи радиф бўлиб келган. «*özüм*», «*közim*» сўзлари эса оҳангдорлик ила тўқ қофияланган. Ушбу иккиликда жуда нозик тасвирни бериб ўтади. Ошиқнинг сармастлик ҳолати ушбу шеърда ҳам бор. У ёрнинг ҳуснига асир каби боғланиб қолдим, унинг ширин сўзидан кўзим даво топгай, дея ишқдан сармастланади.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, иккиликни ҳозирги она тилимизга қуйидагича ўгириш мумкин:

*Овланаман ўзим унинг ҳуснига,
Даво топгай кўзим унинг сўзига.*

«Девон»да ёр ишқидан унга боғланиб қолган ошиқ образи ҳам гўзал

мисралар орқали баён этилган:

اِغْلَدِي مَايْنِكَ اَذَاقْ

كُورْمَذِيبْ اُغْرِیْ تُوْزَاقْ

اِغْلَدِيْمْ اَنْدِيْنْ اُزَاقْ

اَمْلَگِيْلْ اَمْدِيْ تُوْزَاقْ

Iglädi meniñ adaq,

Körmäzib oğrı tuzaq,

Iglädim andin uzaq,

Emlägil emdi tuzaq (ДЛТ.І.361).

Ушбу шеърий парчада: **iglä-** – оғримок, касал бўлмок, кайғурмок (ДТС.205); **emlä-** – даволамок, шифоламок, боқмок, муолажа қилмок; (ДТС.173).

Ушбу парчанинг уч қатори «*adaq*», «*tuzaq*», «*uzaq*» сўзлари билан тўқ қофия боғлаган. Ошиқнинг кайфиятидан шуни англашимиз мумкинки, у ишқ савдосига мубтало бўлган. Энди уни маъшуқанинг фироқи қийнамокда. У бундай ҳолни «ишқ тузоғига илиндим», деб атамокда. У фироқ ва хижрон ғамидан маъшуқанинг келиб уни озод қилишини сўрамокда. Яъни ошиқ маъшуқа билан бу ишқ кўргиликларига барҳам беришни назарда тутаяпти. Лирик қаҳрамон ушбу парча орқали севги тузоғини илғамасдан, кўзга илмасдан босиб олдим, ундан узоқ вақт оғриниб, озорида бўлдим, энди менинг бу дардимни даволаб ўзинг тузат, деб ёрга мурожаат этмокда.

«Девон»даги лирик қўшиқлар ичида маъшуқа васфига бағишланган шеърлар ўзининг бадий қиймати билан ажралиб туради. Кошғарий қадимги туркий тилдаги *yalwın*, яни «сеҳргар» сўзинининг маъносини очиқлаш учун шундай шеърий парча келтирган:

يَلْوِيْنْ اَنِيْكَ كُوْزِيْ

يَلِيْكَ اَنِيْكَ اُوْزِيْ

تُوْلُوْنْ اَيْنِ يُوْزِيْ

يَرْدِيْ مَنِيْكَ يُوْراكَ

Yalwın anıñ közi,

Yelkin anīḡ özi.

Tolun ayīn yūzi,

Yardī meniḡ yūrāk (ДЛТ.I.40).

Ушбу шеърий парчада: *yalwīn* – сеҳрлайдиган, сеҳрли (ДТС.254); *yelkin* – мусофир (ДТС.254);

Махмуд Кошғарий келтирган шеърий парча талқини шундай: шеърда битилувча суюкли ёрнинг, маҳбубанинг кўз қараши шу қадар жон олувчан, кишини бир кўришдаёқ ўзига тортадики, шоир уни ташбеҳ асосида киши кўнглини овлайдиган сеҳргарга менгзайди. Ёрнинг қадам босиб ошиқ олдида хар маҳал ўтиб туришини гўё, «*мусофир*» кабидир, деб атайди. Бу ўринда маҳбубанинг қўнимсизлиги, дийдорини жуда оз фурсат кўрсатишига ишора этилмоқда.

Мумтоз адабиётда лирик шеърлар битишда шоирлар жуда кўплаб гўзал ташбеҳлардан фойдаланган. Маъшуқа юзининг ойга ўхшатилиши бу шеърда ҳам бор (эҳтимол, ташбеҳнинг илк илдизлари ана шу шеърлардан бошланган чиқар). Маълумки, адабиётимиз кейинги даврларида маъшуқа юзининг ойга ўхшатилиши жуда кўплаб шоирларнинг ижод намуналарида учрайди.

Мисрадаги «ёрди» сўзининг асл маъноси «кўрқитди, юракни ёрди» бўлса-да, ушбу мисрадаги маъноси тамоман бошқа. «*Yardi*» сўзи бу ерда муболаға бўлиб, «вайрон қилди, пора қилди» маъносини янада кучайтириб кўрсатиш учун қўлланган сўздир. Ҳозирги ўзбек тилида бу бирикма салбий маънода ишлатилади. Лекин «Девон»да келтирилган шеърда у лирик шеъриятга хос маънода, маҳбубанинг узоқлашуви кўнглини қайғуга солишини - «юракни вайрон қилди, пора-пора қилди» маъносида келган. Парчадаги сўзларнинг нозиклик билан қўлланиш ўринлари шундай таҳлилни келтириб чиқаради: яъники маъшуқанинг кўзлари ошиқни афсун қилувчидир. У шундай жозибалики, бир назар билан ошиқнинг қалбини забт этади. Унинг юзи ҳам тўлин ой мисолидир деб тариф этилмоқда. Шундай чиройга эга маъшуқа эса ошиқнинг юрагини вайрон қилади, ҳаловатини ўғирлайди.

Юқоридагиларга асосан шеърий парчани ҳозирги ўзбек тилига шундай ўгириш мумкин:

Афсунгар унинг кўзи,

Мусофир унинг ўзи.

Тўлин ой каби юзи,

Вайрон қилар юрагим.

أذيك *üdik* – ишқ ва шавқнинг қўзғалиши, ҳаяжонга келиши¹⁹ сўзининг маъноларини очиклаб бериш учун асарда шундай парча келтирилади:

أُذِيكَ مِني قُمْتِي

سَقِنْجْ مَنكَ يُمْتِي

كُونُكُلُومْ اَنكَارْ اَمْتِي

يُوزُمْ مَنِكَ سَرَغَرُورْ

Üdik meni qumitti,

Saqinč menä yumitti.

Könlüm añar emitti,

Yüzüm meniñ sarğarur (ДЛТ.І.99).

Ушбу шеърий парчада: *üdik* – кучли ҳис туйғу, завқ, эҳтирос, оташин муҳаббат (ДТС.622); *qumit-* – ҳаяжонга солмоқ (Mumtoz adabiy asarlar lug’ati. Berdak Yusuf. 2010. 340.); *yumit-* – истамоқ, хоҳламоқ (ДТС.279); *saqinč* – 1. фикр, хаёл, ўй; 2. ният, мақсад, қасд; 3. ғам, ташвиш (ДТС.486); *emit-* – эгилмоқ, *könlüm añar emitti* – менинг юрагим унга эгилди (ДТС.173);

Ушбу шеърий парчада *qumitti*, *yumitti*, *emitti* сўзлари ўзаро қофияланиб келган. Охирги қатордаги сўз эса мустақил ҳолда қўлланган. Демак, бу шеърни тўртлик шаклда деб атасак бўлади. Парчада келтирилган сўзларнинг луғавий маъносидан келиб чиқиб тўртлик мазмунини қуйидагича шарҳлаш мумкин: лирик қаҳрамонни муҳаббат (туйғуси) ҳаяжонга солмоқда. Ғам-ташвиш эса унга эргашган. Бундай дардлардан менинг юрагим эгилди, деган маънони чиқариш мумкин.

أَيْدُمْ اَنكَرْ سَاقُكْ

¹⁹ Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк). III томлик. I том. –Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси. 1960. –Б. 99.

بِزْنِي تَبَا نَا أَلُكْ
كَجْتِيْكَ يَازِي كَارِكْ
قِرْلَارْ اَنْزِ بَاذُكْ

Aydum aṇar sewük,

Bizni taba ne elük,

Keçtiṇ yazı kerik,

Qırlar eḍiz beḍük (ДЛТ.1.113).

Ушбу шеърий парчада: **taba** – -га, томон (ДТС.525), **elük** – хазил (ДТС.171), **eḍiz** – баланд (ДТС.165), **beḍük** – жуда (ДТС.91).

Ушбу шеърий парчада эса юқоридаги қофияланиш усулидан фарк қилади. Бунда қофиялар *a-a-b-a* шаклидаги қофиядошлик усулига тушади. Лекин биз яна шуни кузатишимиз мумкинки, *a-a-a* шаклида қофияланаётган *sewük, elük, beḍük* сўзлари ўзаро тўқ қофияланган. Ушбу парчадаги сўз маъноларидан келиб чиқиб унинг мазмунини куйидагича тушунишимиз мумкин: яъни бу ўринда ошиқ-маъшуқларнинг узоқ фироқдан кейинги дийдорлашуви тасвири бериб ўтилган. Шунда лирик қахрамон ўз ёридан шунча азоб-уқубатга қандай қилиб елка тутиб сабр қилдинг, деган сўроқларни бермоқда.

كِمَ اَيِّبْ اِسْتُرْ قُلَاقْ
اَيَّ اَوَّى اَرْتُجْ بَتَاقْ

Kim ayib ešitür qulaq,

Ay ewi ertüç butaq (ДЛТ.1.358).

Ушбу шеърий парчада: **ay-** – гапирмоқ, сўзламоқ, айтмоқ (ДТС.25); **ew** – уй, ўтов (ДТС.189); **butaq** – шох, бутоқ, новда (ДТС.129).

Ушбу жумлада муаллиф ташбеҳдан жуда ўринли фойдаланган ва янгича ёндошув орқали шеърнинг гўзаллигини тасвирлаш усули билан бойитган. Бу шеърда санубарнинг шохлари орасидан кўриниб турган ой тасвири берилиб, бу жой ойнинг уйи каби унга мосдир, дейилмоқда. Жумлани умумлашган ҳолда шундай тушуниш мумкин: ой бу – маъшуқа юзига, санубар шохи эса, унинг қадди-қоматига менгзалмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ушбу мисрани ҳозирги ўзбек тилига қуйидагича ўгириш мумкин:

Ким айтди, эшитди қайси қулоқ –

Ки, ой уйидир санубар бутоқ (Азизхон Қаюмов тар²⁰).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Девону луғатит турк» ўз даврида арабларга туркий тилларни ўргатиш мақсадида ёзилган бўлса-да, бугунги кунда барча халқлар учун бирдек керакли эканлиги билан тилшунослик ва адабиётшунослик тарихида ўз қимматига эга бўлган муштарак ёдгорликдир. «Девон»да келтирилган лирик кўшиқларига хос хусусият шуки, уларда меҳнаткаш халққа хос камтаринлик, поклик, кўнгилларнинг беғуборлиги, самимийлик аниқ акс этади. Шеърый парчаларда севимли, андишали, ҳаёли ёр образи ўзининг ноз-карашмалари билан гавдаланади. Ёр дил дардини севгилисига изҳор этганда унинг нутқида ажойиб бир ҳиссиёт, интизорлик, муштоқлик, фидойилик, меҳр, вафо кечинмалари мароқли ифодаланади.

«Девон»даги лирик шеърлардаги шеър санъатларининг шаклланишида қаҳрамонларнинг ишқий кайфияти катта ўрин тутди. Масалан, ошиқ маъшуканинг озоркорлигидан шикоят қилиши, лекин шундай бўлсада ёридан кўнгил уза олмаслиги, бунга ёрининг тенгсиз ва жон ўртовчи гўзаллиги ва нози-ибоси сабаб эканини келтириб ўтади. Мана шундай жараёнда ошиқ маъшуканинг хусни таърифини келтирар экан шеърларда ўхшатиш, сифатлаш, муболаға каби бир қатор бадий санъатларни фаоллик билан жараёнга аралаштириш баробарида бундай санъатларнинг шаклланишини таминлайди. Ёки «Девон»даги лириканинг қуйланишида унинг пафослилиқ даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу туркийларга хос бўлган халқчил оғзаки шеърият намуналарининг пайдо бўлиши билан характерланади.

Кенг минтақага ёйилган туркий қавмлар орасидаги ички ва ташқи муносабатлар, халқлар орасидаги биродарлик, халқ ўйинлари ва маъросим анъаналари оғзаки шеърият учун пойдевор вазифасини бажарди. «Девон»да худди мана шундай воқеликлар асосида яратилган ва қуйланган халқ

²⁰ Қадимий ҳикматлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1987. –Б. 70.

қўшиқлари ва шеърлари олинган. Бу шеърларнинг бадий ривож ва оҳанг жихатидан бойишида, албатта туркий халқларнинг тажрибаси ва анъаналари ётади. «Девон»да келтирилган шеърлар асосида кейинги давр туркий халқлар ёзма ва оғзаки шеърляти шаклланди. Кейинги давр поезияси лирикадаги ошиқ ва маъшуқа образларидаги бадий чизгиларни ва шеърй санъатлар шаклланишини «Девон»даги лирик шеърлар таъсирида изчиллик билан давом эттирди.

II БОБ. «ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК»ДАГИ ЛИРИК ҚЎШИҚЛАР СЕМАНТИКАСИ

2.1. Лирик қўшиқларда сўз маънолари талқини

Туркий тиллар тарихига оид қимматли асар саналмиш «Девону луғатит турк» неча йилдирки, тилимиз тарихини ўрганувчилар учун муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, давр ўтиши билан тилнинг барча сатхларида бўлгани сингари лексикасида маъновий ўзгаришлар юз беради. Тилнинг тарихий тараққиёти давомида баъзи сўзлар ўз ҳаётини яшаб бўлиб, тамоман истеъмолдан чиқиб кетса, баъзи сўзлардаги маъно бошқа бир маъно томонидан сиқиб чиқарилади. Сўздаги ана шундай семантик ўзгариш натижасида синхрон ва диахрон жиҳатдан қараганда маъновий ҳар хиллик, зидлик юзага келади²¹. Бизгача етиб келган халқ оғзаки ижодига мансуб бўлган ёдгорликларда, хусусан, оғзаки лирик шеърятда ҳам шундай жараёни кузатиш мумкин.

Бадиий ифодани мазмунан қуйуқлаштириш, уни ҳис-ҳаяжонларга йўғириш учун лирика сўз салоҳиятига суянади ва шеърый шаклларга мурожаат қилади. Лирикада сўз алоҳида аҳамиятга молик²². Ошиқ маъшуқасига дил изҳорини етказиш учун оддий сўзлашув нутқидан узоқлашади. Ошиқ ўз дил изҳори, ҳижрон азобларини ифодалаш, суюклисининг юз таърифини келтириш учун турли хил ташбеҳ, муболағалардан фойдаланади ва сўзларга қўшимча маъновий бўёқдорлик юклайди.

Ҳақиқий шеърда ҳар бир сўз шакл-шамойил, ранг-бўёқ, салмоқ ва оҳангга эга. Шоир уни қалб кўзи билан кўриб, қалб кафтида салмоқлаб, қалб қулоғига жаранглатиб ишлатади²³. Соф лирика фикр ва ҳислар дунёсидир. Унда туйғу ва оҳанг биринчи даражада туради, ҳатто сўз соф лирик асарларда муҳим бадиий восита вазифасини бажаради, сўзларнинг маълум

²¹ Одилов Ёрқинжон. «Девону луғатит турк» даги баъзи сўзларнинг семантикаси тадқиқи // Тил ва адабиёт таълими. Тошкент, 2013 йил. 6 сон. –Б. 37

²² Адабиёт назарияси. М.К. Нурмухамедов таҳрири остида. 2 жилдлик. 2 жилд. –Т.: Фан, 1979. –Б. 246.

²³ Ўша китоб. 2 жилдлик. 2 жилд. –Т.: Фан, 1979. –Б. 246.

бир тартибда, алоҳида йўсинда қўшилиши ажиб бир муסיкийликни вужудга келтиради²⁴.

«Девону луғатит турк»да келтирилган лирик қўшиқларда ҳам сўз ўзининг шаклий ва мазмуний гўзаллигига эга.

Мисол учун асарда келтирилган айрим лирик қўшиқларда сўз маънолари талқинига эътибор қаратамиз.

*Bulnar meni ulas köz,
Qara meñiz qizil yüz.
Andin tamar tükäl tüz,
Bulnar yana ol qačar (ДЛТ.I.92).*

Таржимаси:

*Мафтун этар хумор кўз,
Қора холли, қизил юз.
Ундан томар тугал туз,
Асир қилар-у қочар.*

Дастлабки мисрадаги сифат сўз туркумига мансуб бўлган *ulas* сўзи асли «тим қора» маъносида бўлса ҳам бу ерда «хумор, мастона, шахло» маъноларини билдириб келмоқда.

Учинчи мисрадаги *tükäl* – «бутунлай, мукамал, камолотга етган»; *tüz* – «текис, силлик» дегани, лекин *tükäl tüz* бирикмаси «ширинлик, бол» маъноси билдирмоқда. Бу ердаги «*tükäl tüz*» бирикмасидаги *tükäl* сўзи от олдидан, яъни «бол» сўзи олдидан қўлланиб орттирма даражадаги сифатни билдирмоқда.

Сўнгги мисрадаги *qačar* бугунги кунда ижобий маънода қўлланмайди, лекин бу мисрада ушбу сўз «қочмоқ» маъносида эмас, балки «узоқлашмоқ», «ёр ёнидан ўтиб кетмоқ» маъноларида қўлланган. Бунда эса маъшуканинг жафокашлигидан ёр шикоят оҳангида сўзламоқда. Навоий ғазалларида ҳам бу сўз узоқлашмоқ маъносида қўлланилади:

Шоҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар;

²⁴ Бобоназар Алиев. Лирикада руҳият таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1990. 2 сон.

*Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анга*²⁵.

«Девон»да *yelkin* сўзи ҳам ўз маъносида қўлланилмайди. Биз буни куйидаги байт орқали кўришимиз мумкин:

Yalwīn anīḡ kōzi,

Yelkin anīḡ ōzi.

Tolun ayīn yūzi,

Yardī menīḡ yūrāk (ДЛТ.I.40).

Таржимаси:

Сеҳргар унинг кўзи,

Мусофир унинг ўзи.

Тўлин ой каби юзи,

Ёрди менинг юрагим.

Ушбу шеърий парчадаги от сўз туркумига мансуб бўлган *yelkin* сўзи аслида «мусофир» маъносида, лекин ушбу парчада маҳбубанинг ёр олдида кўнимсизлиги мусофирга ўхшатилмоқда.

Феъл сўз туркумига мансуб бўлган *yardī (yūrāk yardī)* – юракни ёрмоқ маъносини англатувчи бирикма бу мисрада «вайрон қилди, пора қилди» маъносини янада кучайтириб кўрсатиш учун қўлланган сўздир.

Яна бошқа шеърий парчада ҳам *elkin* сўзи мусофир эмас, ёрнинг ошиқ олдида кўнимсизлигини таърифлаш учун ишлатилади:

Yūkūnūr meḡā imlādi,

Kōzūm yašīn yamladī.

Baḡrīm bašīn emlādi,

Yelkin bolup ol kečar (ДЛТ.III.93).

Таржимаси:

Юкуниб менга имлади,

Кўз ёшимни юмлади.

Бағрим чокин эмлади,

Бир кўриниб у кетар (А. Қаюмов тарж.).

²⁵ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3 том. –Т.: Фан, 1988. –Б. 29.

Юқоридаги шеърий парчада *yelkin* сўзнинг маъно жиҳатидан ўрни кенгайган ҳолатда берилган. *Yelkin bolub* бирикмаси ўрнига *бир кўриниб* шаклида таржима қилинди. *Yekin* нинг сўзма-сўз таржимасидан бошқа юқоридаги таржимадаги маъноси унинг аслига бевосита синоним бўлиб ушбу ўринни тўлдиролди. Шунинг учун биз таржимага *бир кўриниб* бирикмасини маъқул кўрдик.

«Девон»даги шеърларда *yelkin* сўзи бир неча ўринда бир хил маъно ифодалаётганини кузатиш мумкин. Юқоридаги икки парчада ушбу сўз ўткинчи, жафокаш ёр мисолида берилади. Қуйидаги парчада ҳам *yelkin* сўзининг олдинги парчадаги каби маъносини кузатиш мумкин:

*Yelkin bolup barduqi,
Könlüm anar bağlayu.
Qaldim erinç qadğuqa,
İsim udu yığlayu* (ДЛТ.ІІІ.324).

Таржимаси:

*Бир кўриниб кетди у,
Кўнглим унга боғлайман.
Қолдим чуқур қайғуда,
Узуккунлар йиғлайман.*

Ушбу ўринда ҳам *yelkin bolup* бирикмасининг ўрнида *бир кўриниб* шаклидаги асл мазмунга яқин тушунчани бериб ўтдик. Шеърнинг учинчи қаторидаги *erinç* сўзи *толесиз*, *бахтсиз* каби маъноларда таржима қилинади. Бу сўз *қайғу* сўзининг олдида сифат вазифасида келиб от сўз-қайғуга кучайтирув маъносини юкламоқда. Шунинг учун *erinç* сўзини *чуқур* сифати билан алмаштириб шеърдаги бўёқдорлигини туширмаган ҳолда *чуқур қайғу* тарзидаги таржимада бердик.

Шеъриятда ошиқ ўз маҳбубасининг ҳажрида азоб чекса юзим сарғайди дея эътироф этилади. «Девону луғатит турк»даги адабий парчаларда эса сарғаймоқ сўзи орттирма даражани ифодалаш мақсадида сарғармоқ шаклида қўлланган ва бу ошиқнинг ёр ҳажрида чекаётган азобларини бўрттириб

кўрсатишга ҳизмат қилган:

*Üdik meni qumitti,
Sağınç anar yumitti,
Könlüm anar emitti,
Yüzüm meniñ sarğarur* (ДЛТ.І.99).

Таржимаси:

*Севги дарди қўймайди,
Согинч яна қийнайди.
Кўнглим унга тўймайди,
Юзим менинг сарғаяр (А. Қаямов тар.).*

Аслида *сарғаймоқ* шаклидаги бу сўз кейинги давр ўзбек шоирлари ижодида ҳам жуда моҳирона усулда *сарғармоқ* шаклида қўлланилган. Негаки, *сарғаймоқ* сўзига қараганда *сарғармоқ* сўзини қўллаш билан шоир ушбу сўзнинг бўёқдорлиги ва таъсирчанлигини оширади. Демак, бундай сўзларнинг турли қирралари билан нозик муносабат ўрнатиш туркий халқлар шеъриятида яна ҳам қадимийроқ эканлиги маълум бўлади. Ушбу ҳолатни эса биз дастлаб «Девон»да учратишимиз мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек «Девон»дан кейинги давр мобайнида ҳам шеърятда ушбу сўзнинг қўлланишини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. Бобур:

*Хазон яфроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларуҳ, бу чеҳраи зардим²⁶.*

Замонавий ўзбек шоирлари ижодида ҳам *сарғармоқ* сўзининг бўёқдорлик ҳосил қилишда қўлланганини кузатиш мумкин. Рауф Парфиниг ёшлик хотиралари ҳақида ёзилган шеъри бунинг яққол исботидир:

*Ёшлик зангор фасл, кечди, сарғарди,
Тўкилди у. Шафқат билмас барғрезон.
Қора совуқларга отиб юборди,
Шамоллар пойида синмоқда хазон.*

²⁶ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Санга кўнглумни олдурдум. Тузувчи: Очилов Эргаш. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б. 44.

*Ёшлик зангор фасл. Кечди. Саргарди*²⁷.

Лирик шеърларда ошиқ ўз ёридан айрилса, энди сенсиз ёлғиз қолдим, атрофимда ҳеч ким йўқ, дея зорланади. «Девон»даги адабий парчаларда ҳам биз мана шу ҳолни кўришимиз мумкин:

*Üdik meni küçäyür,
Tün-kün turup yığlayu.
Kördi közüm tawraqin,
Yurti qalip aғlayu (ДЛТ.ІІІ.275).*

Таржимаси:

*Севгим менинг куячаюр,
Кеча-кундуз йиғлайман.
Кўрди кўзим кетганин,
Юртда ёлғиз қолгайман (А. Қаямов тарж.).*

«Девону луғатит турк» асарида келтирилган халқ оғзаки ижоди намуналаридаги кўпчилик бадий тасвир воситалари кейинчалик ёзма адабиётда янада сайқалланиб, гўзал ижод намуналарининг яратилишига асос бўлган.

Мисол тариқасида «Девон»дан жой олган лирик қўшиқларда учрайдиган *меъ* сўзига тўхталиб ўтсак.

*Berīn meḥa söz kiyä,
Menlig qara tuz qīya.
Yalwīn tutar köz kiyä,
Muḡum menīn biliḡä (ДЛТ.ІІІ.371).*

Таржимаси:

*Бергил менга сўзгина,
Эй қоракоз, боқ қиё.
Чеҳранг этди маҳлиё,
Ҳолимни англагил, ҳо (А. Қаямов тарж.).*

Ушбу парчада *меъ* сўзи ҳол маъносида қўлланилмоқда. Навоий

²⁷ Рауф Парфи. Туркистон руҳи. Сайланма. –Т.: Шарқ. 2013. –Б. 179.

асарларида бу сўз икки хил маъно касб этган. Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида *теғ* сўзига қуйидагича таъриф келтириб ўтади: «... Ва хусн таърифида улуғроқ холғаким, турклар *менг* от қўюптурлар, алар (яъни форслар) от қўймайдурлар. Турк бу таърифни бу навъ адо қилибдурким,

байт:

Анингким, ол энгинда менг яратти,

Бўйи бирла сочини тенг яратти»²⁸.

«Девон»даги кўпчилик шеърларда сўзлар қўлланиши жиҳатидан ҳам янги киёфа ифодалаган ўринларини юқорида кўриб ўтдик. Туркий халқларнинг лирика борасидаги яратган шеърларида сўзларни ўзи ифодалаётган мазмундан бошқа маъноли қилиб қўллаш ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Бунда бизга қадимги туркий халқларнинг биргина лирика борасидаги шеърларидан ҳам сўз маъноларининг кўп қирралилигини топишимиз мумкин. Мисол тариқасида биз бунга *meng, sarg'armoq, yalwin, yelkin, yardi yurak* сўзлари ва бирикмаларини келтиришимиз мумкин. Ушбу сўзлардаги маъно бўёқдорлиги, албатта, шеърнинг таъсирчанлигини ошириб, ундаги лирик қаҳрамоннинг руҳиятини кўрсатиб берган. Ушбу жиҳатлардан келиб чиқиб туркийларнинг бадиий адабиёти сўз ифода ўринларини топиб қўллаш борасида ҳам энг қадимий эканлигини билиб оламиз.

2.2. Лирик қўшиқларда кўп маънолилик масаласи

Гарчи Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит турк» асарида ўша давр адабиётшунослиги, хусусан туркий халқлар шеършунослигига доир маълумот оз бўлса-да аммо мавжуд маълумотларнинг ўзи ҳам катта илмий қийматга эга. Маҳмуд Кошғарий ўша даврдаги муаллифлар сингари «сўз»ни кенг маънода – «*бадиий адабиёт*» маъносида тушунган. Жумладан «*tizdi*» – у марваридни тизди. Биров сўз тузса, шеър ёзса ҳам «*öl tizdi*» дейилади. (ДЛТ.II.16).

Юқорида таъкидланган фикримизни «*sawladu*» сўзи ҳам тасдиқлайди. Муаллиф бу сўзни маъносини «*масал айтмишди*» (ДЛТ.II.250) деб беради.

²⁸ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16 том. –Т.: Фан, 1988. –Б. 13.

«Öl menîñ birla sawlaşdı – у менга масал айтди, мен унга масал айтдим».

Шунингдек хабарлар, сўзлар, ҳикоялар айтишга ҳам бу сўз қўлланилган.

Tegür menîñ sawîmnî bilgäligü al,

***Tinur qalî atatsa qîsraq seni taj* (ДЛТ.ІІ.214).**

*Менинг сўзумни еткуз, ақллиларга айтгин, агар той боласи от бўлса, отлар қаторига кирса, байтал минади*²⁹.

Асрлар, минг йиллар оша инсоният бадиий тафаккурининг ўзига хос садоси бўлиб келаётган лирика ҳар замонда янги бир рангга кириб, ўзининг шаклу шамойилини вақти-вақти билан янгилаб, ўзгартириб келаётир³⁰.

Лирикада лирик кечинма ҳамиша устун бир вазиятни эгаллайди³¹.

Лирика оламни образ – кечинмалар воситасида ёритаркан, худди шунинг тақозоси билан чуқур ва ҳаяжонли ифодаларни ишга солади. Ифодаларнинг теран ва ҳаяжонли бўлиши лирика қиёфасини белгиловчи муҳим хусусиятлардандир. Бу хусусият лирик асарларнинг одатда ҳажман сиқик бўлиши, кичик ҳажмларга катта маъноларни жойлаштира билиши каби талабларга жуда мос бўлиб тушади³².

Awlalur özüм anîñ tüziña,

***Emlälür közim anîñ tüziña* (ДЛТ.І.290).**

Таржимаси:

Овланаман ўзим унинг ҳуснига,

Даво топгай кўзим унинг сўзига.

Биринчи мисрадаги *tüziña* сўзи от сўз туркумига мансуб бўлган хусн, чирой маъноларини англатиб келмоқда. Иккинчи мисрадаги *tüziña* сўзи эса ширин сўз маъносини англатиб келмоқда. Яъни ошиқ, дастлаб маъшуқанинг хуснига ошиқ бўлиб, сўнгра унинг ширин сўзларидан даво топишига иқрор бўлмоқда. Шеърдаги *tüziña* сўзи икки ўринда қўлланиб шаклдошлик ҳосил қилган ва шеърдаги руҳий таъсирни ўзига хос ифода этган.

²⁹ Xolboboyeva Nilufar. «Devonu lugʻatit turk»da qoʻllanilgan tilshunoslik va adabiyotshunoslikka oid turkiy atamalar. Magistrlik dissertatsiyasi. –Т. 2013.

³⁰ Адабиёт назарияси. М.К. Нурмухамедов таҳрири остида. 2 жилдлик. 2 жилд. –Т.: Фан, –Б. 238.

³¹ Ўша китоб. 2 жилдлик. 2 жилд. –Т.: Фан, –Б.240.

³² Ўша китоб. 2 жилдлик. 2 жилд. –Т.: Фан, –Б.246.

«Девон»да омонимлик ҳодисасини турли ўринларда кузатишимиз мумкин. Мисол учун мақолларда ҳам:

قلنک *qalîṇ* – калин, сеп сўзининг маъносини тушунтириш учун қуйидаги мақол қўлланилган: قلنک بيرسا قيز الير *Qalîṇ bersä, qiz alir, keräk bolsa, qiz alir*. Яъни калин берса, келинни қиз олади, бирор зарур нарсани олишни истаган киши у нарса қиммат бўлса ҳам зарур бўлгач олишга мажбур бўлади.

Қуйидаги байтда ҳам биз омонимлик ҳодисасини кўришимиз мумкин:

*Iglädi meniṇ aḍaq,
Körmäzib oğri tuzaq,
Iglädim andin uzaq,
Emlägil emdi tuzaq (ДЛТ.I.361).*

Таржимаси:

*Мен босиб олдим оёқ,
Кўрмайин ўғри тузоқ.
Оғриндим ундан узоқ,
Даволаб энди тузат.*

Ушбу парчада *tuzaq* сўзи полисемантик маънода қўлланилмоқда. Иккинчи мисрадаги *tuzaq* сўзи *яширин, ўғри тузоқ* ни билдирса, тўртинчи мисрадаги *tuzaq* сўзи маҳбубага мурожаат маъносини англатиб келмоқда.

*Aydı seniṇ uḍu,
Emgäk telim iḍu,
Yumšar qatig uḍu,
Köñlüm seṇä yügrük (ДЛТ.I.134).*

Бу шеърдаги *иḍи* сўзи омонимликни вужудга келтирган. Шеърнинг мазмуни қуйидагича: сенинг изингдан кўп азоб етади. Бу азобларга бардош бериш мушкул. Чунки, бу азоблардан мустаҳкам тошлар ҳам емирилар эди. Аммо менинг кўнглим сенга талпинади.

Ушбу уринда *иḍи* сўзи кетм-кет, изидан маъносини англатиши билан бирга қоя, тепалик маъноларини ҳам ифодалайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Девон»даги шеърлар кўпмаънолилик

жихатидан ва ушбу кўпмаънолиликнинг келтирилиш ўрни жихатидан ҳам юксак бадиий маҳоратга эгадир. Бу нарсa эса қадимги туркий халқлар ижодий муҳити ва сўзамоллиги қай даражада юқори эканлигини кўрсатади. Ҳар бир сўзнинг шеърга сингдириб юборилганлиги ва маъно беришидаги ранго-ранглиги туркий тил луғати савиясини белгилайди. Ушбу кўпмаъноли сўзлар шеърларнинг бадиий руҳига мос равишда қўлланган. «Девон»да бу каби бадиий сўз ўйноқилиги ва жилоларини биргина лирик шеърларда эмас, бошқа кўплаб шеърларда учратишимиз мумкин.

III БОБ. «ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК» АСАРИДАГИ ЛИРИК ҚЎШИҚЛАР БАДИИЯТИ

3.1. Лирик қўшиқларда қўлланган лафзий санъатлар

Шарқ мумтоз поетикасида маънавий, лафзий ва муштарак аталмиш шеър санъатлари поетик тасвирда турлича вазифаларни адо этиб, ҳар хил услубий йўналишни ташкил этади. Жиддий эътибор берилса, бутунлай бошқа-бошқа гуруҳга мансуб санъатлар тамойил жиҳатидан бир-бирига яқин эканлиги кўзга ташланиб туради. Бинобарин, мавжуд шеър сатрларини услубий вазифалари эътибори билан ҳам муайян табақаларга ажратиш мумкин.

Адабиётшунослик илмининг асосий соҳаларидан бири бўлган илми бадеъга доир дастлабки асарлар араб олимлари томонидан яратилди. Бу турдаги асарлар XI асрдан бошлаб форс тилида яратила бошланди.

Ўзбек адабиётшунослигида мумтоз шеърий санъатларни ўрганиш, асосан, 1960 йиллардан кейинги даврга тўғри келади. Дарҳақиқат, ўзбек адабиётшунослигига бағишланган йирик асарлар ва илмий мақолаларда баъзан шеърий санъатлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Уларнинг кўпчилиги Алишер Навоий асарлари билан боғлиқ ҳолда шоир маҳоратини белгилаш асосида ўрганилган. Жумладан, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали саҳифаларида Ё.Исҳоқовнинг «Мумтоз адабиёт поетикасидан маълумотлар» рубрикаси остида эълон қилинган 10 дан ортиқ шеърий санъатлар ҳақидаги мақолалари, Мақсуд Шайхзоданинг «Устод санъат хонасида» тадқиқотлари фикримиз далилидир³³.

Шу йилларда В.Раҳмоновнинг «Шеър санъатлари»³⁴, А.Рустамовнинг «Навоийнинг бадий маҳорати»³⁵, Ё.Исҳоқовнинг «Навоий поэтикаси»³⁶ китоблари, шунингдек, бир қатор олимларимизнинг йирик мақолалари яратилди.

Кейинги йилларда профессор А.Ҳожиаҳмедовнинг «Шеърий

³³ Исҳоқов Ё. Шеърий санъатлар. Ийҳом // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т. 1970. 1-сон, –Б. 88.

³⁴ Раҳмонов В. Шеър санъатлари. Хўжанд, 1972.

³⁵ Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. –Т.: Фан, 1977.

³⁶ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983.

санъатларни биласизми?», «Мумтоз бадиият малоҳати», «Мумтоз бадиий луғати», Ё.Исҳоқовнинг «Сўз санъати сўзлиги» каби китоблари дунё юзини кўрди.

Бизгача етиб келган манбалар туркий адабиётда шеърнинг қадимдан мавжуд эканлигини тасдиқлайди. Шеър ўзига хос қонун-қоидалар асосида вужудга келади. Унинг яратилишида бадиий тасвир воситалари ҳам муҳим рол ўйнайди. Бадиий тасвир воситаларининг пайдо бўлиши бевосита шеър билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Демак, шеърнинг шаклланиши аста-секин у ҳақидаги илмий тафаккурни юзага келтиради. Бироқ исломдан аввалги даврдаги адабиётшунослик ҳақида бизгача тўлиқ маълумот етиб келмаган. Шу сабабли қадимги туркий шеърларидаги бадиий тасвир воситаларини тадқиқ этиш учун ўрта асрлар адабиётшунослигидаги атамалардан фойдаланиш, мақсадга мувофиқ.

Шеър санъатлари тўғрисида назарий фикрларни мукамал тадқиқ этилиши ислом даври адабиётшунослиги билан боғлиқ. Шу боис қадимги туркий адабиётдаги бадиий воситаларнинг номларинигина кейинги давр адабиётшунослиги маҳсули деб қараш лозим. Бадиий тасвир воситаларининг ўзи эса қадимги туркий шеърнинг ички имкониятлари асосида вужудга келган ва уларнинг шаклланиши ислом даврига хос ҳодиса эмас. Қадимги туркий оғзаки адабиётдаги бадиий воситаларни текшириш уларни туркий адабиётдаги тадрижий тараққиётини ўрганиш имконини беради.

«Девону лиғатит турк» орқали етиб келган шеърнинг парчаларда бадиий тасвир воситалари ҳар бир шеърнинг моҳиятига кўра ўзига хос хусусиятлари билан намоён бўлади. Улар бадииятини таҳлил этиш натижасида шеърнинг санъатларнинг қадимги турк оғзаки шеърини поетикасидаги ўрни аниқланади.

Бадиий тасвир воситаларининг шаклланиши бадиий тафаккур тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Бу – поетик санъатларнинг генезиси жуда қадимда эканлигини билдиради. «Девону луғатит турк»даги шеърнинг парчаларда қўлланилган бадиий санъатларни қиёсий ўрганиш қадимги

туркий адабиётдаги мавжуд бадий воситалар илк классик давр адабиётида ҳам давом этганлигини кўрсатади. Бундан туркий адабиётнинг узлуксиз тараққиётда бўлганлигини сезиш қийин эмас.

«Девону луғатит турк»даги лирик шеърлар бармоқ вазида бўлиб, уларнинг кўпчилиги етти-саккиз ҳижолидир. Бу шеърларнинг банди кўпинча тўрт мисрадан, баъзан эса икки мисрадан иборат бўлиб, тўртликларнинг қофияси «а-а-а-а», «а-а-а-б», «а-а-б-а», «а-б-в-б» шаклидадир. «Етти-саккиз ҳижоли «а-а-а-б» ёки «а-а-б-а» шаклида қофияланучи шеърлар туркий халқлар поэзиясида қадим замонларда пайдо бўлганлиги ва ниҳоятда кенг тарқалганлиги илмда аллақачонлар исботланган»³⁷.

Маҳмуд Кошғарий ўз девонининг луғат қисмини ҳикматли сўзлар, масаллар, мақоллар, шеърлар ва адабий парчалар билан безатди.

Асарда келтирилган лирик шеърини узиндиларда бир қанча лафзий санъатларни учратиш мумкин. Шулардан энг кўп қўллангани **тажнис** санъатидир.

Тажнис мумтоз шеърятда энг кўп қўлланиладиган бадий тасвир воситаларидан бири ҳисобланади. Тажнис сўзи «жинсдош» деган луғавий маънога эга. Шакли бир хил, аммо турли маъноларни билдирувчи сўзларни қўллаш ва шу тариқа сўз ўйинига асосланиш тажнис санъатининг моҳиятини ташкил қилади. «Девону луғатит турк»да тажнис санъати воситасида қўлланилган байтларни кўп учратамиз.

Тажнис ҳосил қилаётган сўзлар бир хил сўз туркумига хос бўлиши керак, масалан, қуйида келтирилган мисолдаги «тузақ» сўзи каби:

*Iglädi meniñ adaq,
Körmäzib oğrï tuzaq
Iglädim andin uzaq,
Emlägil emdi tuzaq (ДЛТ.I.361).*

Таржимаси:

Мен босиб олдим оёқ,

³⁷ Ҳаккулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. –Т.: Фан, 1981. – Б. 30.

Кўрмайин ўғри тузоқ.

Оғриндим ундан узоқ,

Даволаб энди тузат.

Мисолдаги «*tuzaq*»сўзларининг биринчиси «қопқон» (мухаббат тузоғи) ва иккинчиси кишининг ўз севгилисига севиб айтадиган сўзи, яъни ундалма сифатида бўлиб, от туркумига киради. Лирик қаҳрамон бир кўришда мухаббатга мубтало бўлганини ва бу ҳолатга тушганини биринчи мисрада у тузоққа тушдим, дея ифодаламакда. Парчанинг охириги каторида эса, лирик қаҳрамоннинг маъшуқага мурожаати, уни суйиб атаётган сўзи, келтирилган.

Қуйидаги мисрада ҳам тажнис санъати қўлланилган:

Awlalur özüм anñ tuziña,

Emlälür közim anñ tuziña (ДЛТ.I.290).

Таржимаси:

Овланаман ўзим унинг ҳуснига,

Даво топгай кўзим унинг сўзига.

Ушбу мисрада тажнис санъати моҳирлик билан ўзига хос бўёқдорлик акс этган.

Масалан, «*tuziña*»сўзи биринчи марта юқоридаги мисрада қўлланганда ошиқ маъшуқанинг чиройига асир бўлганига иқроп бўлмокда. «*tuziña*» сўзи иккинчи марта қўлланганда эса маъно бўёқдорлиги яна ҳам ошади ва ошиқ маъшуқанинг ширинсўзлигидан кўзим даво топур, деган ифодани беради.

Асарда кўп учрайдиган тажнис турларидан бири музориъ тажнисдир. Унда «тажнис ҳосил қилаётган лафзлардаги ундош товушлардан бири орасида фарқ бўлади ва бу фарқ қилувчи товушларнинг махражи ўзаро яқин бўлиши шарт»³⁸. Қуйидаги байтда музориъ тажнис «*bulnar*» ва «*bulnar*» сўзлари охиридаги «р-п» товушларида бўляпти:

بۇلنار مېنى اولاس كوز

قرا منكيز قيزيل يوز

اندين تمار ثوكال توز

³⁸ Ҳоҷиаҳмедов А. . Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. Т.: Шарқ, 1998. – Б. 70.

بُلْنَابْ يِنَا اُول قَجَارْ

Bulnar meni ulas köz,

Qara meñiz qizil yüz.

Andin tamar tükäl tüz,

Bulnar yana ol qačar (ДЛТ.I.92).

Таржимаси:

Мафтун этар хумор кўз,

Қора холли, қизил юз.

Ундан томар тугал туз,

Асир қилар-у қочар.

«Девон»да келтирилган лирик парчаларда **такрир** санъати ҳам кенг қўлланилган. Такрир «такрорлаш» маъносини ифодаловчи лафзий санъат бўлиб, шеърда у ёки бу сўзни такрор қўллашни назарда тутди. Такрорлаш воситасида сўз маъносини, унинг моҳиятини таъкидлаб кўрсатиш ушбу санъатнинг асосий хусусияти саналади³⁹. Мисол учун:

Üdik meni qumitti,

Saqinč añar yumitti,

Köhlüm añar emitti,

Yüzüm meniñ sarğarur (ДЛТ.I.99).

Таржимаси:

Севги дарди қўймайди,

Hayol uni istaydi.

Кўнглим унга тўймайди,

Юзим менинг сарғаяр.

Ушбу парчада *añar*, яъни уни, унга маъноларини англатувчи сўзи такрир санъатини ҳосил қилмоқда. Шеърнинг аслиятида *añar* сўзи шаклан бир хил кўринишга эга бўлсада, маънан бир-бирига яқин тушунчалар бўлган олмошлар *уни* ва *унга* мазмунида таржима қилинади. Ушбу жиҳатдан келиб чиқиб бу сўзларнинг санъатлашувини тажнис эмас, такрир қилиб белгиладик.

³⁹ Хожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? Т.: Шарқ, 2001. –Б. 20.

*Qoyğashub yatsa anīñ yuzīñä,
Alsīqar ökin anīñ söziñä,
Miñ kişi yoluğī bolīb öziñä,
Bergälär ödin anīñ köziñä (ДЛТ.I.245).*

Таржимаси:

*Бағрида унинг боқса юзига,
Йўқотар ҳушин унинг сўзига,.
Минг киши шайдо бўлиб ўзига,
Фидо бўларлар унинг кўзига.*

Юқоридаги мисрада «*anīñ*» сўзининг такрор қўлланиши орқали тақрир санъати ҳосил қилинган. «*Anīñ*» сўзи таржимада «унинг» олмошининг маъносига тенг бўлади. Бу сўз шеърда уч ўринда қўлланган бўлиб, ундаги оҳангдорликни таъминлабгина қолмай, таъкид маъносини ҳам англатиб келмоқда.

*Yalwīn anīñ közi,
Yelkin anīñ özi.
Tolun ayīn yūzi,
Yardī meniñ yüräk (ДЛТ.III.40).*

Таржимаси:

*Сеҳргар унинг кўзи,
Мусофир унинг ўзи.
Тўлин ой каби юзи,
Ёрди менинг юрагим.*

«*Anīñ*» сўзи бир қарашда юқоридаги шеърда услубий ҳато қўллангандек туюлиши мумкин, лекин унинг қофиялар олдидан келиши ўша қофияларга нисбатан таъкидни билдириб келмоқда. Бу ўринда ҳам тақрир санъатининг моҳирлик билан қўлланганини кўриш мумкин.

*Kördi meni emläyü,
Vaqtī meñä imläyü.
Qaldim köñül tomläyü,*

Qadgi meni turğurur (ДЛТ.III.310).

Таржимаси:

Кўрди мени эмлади,

Боқди менга, имлади.

Қолди, кўнглим тўнглади,

Қайғу мени яралар (А. Қаюмов тарж).

Шеърӣй тўртликдаги биринчи ва тўртинчи қаторларда қўлланган тақрир санъатини ҳам юқоридагилар каби талқин қилса бўлади. Ушбу сўзлар биринчи ва тўртинчи қаторда айнан тақрор қўллангандир.

Ушбу шеърӣй парчалар орқали шуни пайқашимиз мумкинки, оғзаки шеърӣят ёзма шеърӣятга кўчиб ўзининг қирраларини намоён қилмагунча бир қатор камчиликлардан ҳоли бўлмаган, албатта. Негаки, оғзаки лирик шеърӣятда юқоридаги шеърлар каби кўп ҳолларда олмош сўз туркумини тақрирга келтириш учрайди. Аммо бундай сўз қўллаш баъзан шеърга мослашмаслиги ҳам мумкин. Оғзаки шеърӣятдан ёзма шеърӣятга ўтилгандан кейин сўз қўллаш маълум бир қоида ва тартибга солинган.

«Девон»даги шеърӣй узундиларда бадий санъатларнинг намоён бўлиши ўз навбатида сўзнинг кўпмаънолик, сўзга таъкид, оҳангдорлик жиҳатларини ифодалаб бермоқда. Ушбу лирик шеърлардаги анъанавий 7-8 ҳижоли мисраларда ушбу санъатлар билдирилаётган фикрни бадий воситалар орқали етказишга хизмат қилади.

3.2. Лирик қўшиқларда маънавий санъатлар

«Бадийлик илми сўз ранг-баранглиги, маъно даражалари ва ифода имкониятлари, гапда сўзлар комбинациялари ва маъно ўзгаришлари, бадий-тасвирий воситалар таъсирида образлиликнинг кучайиши, мисралар муносабати, фикрий таносиб ва тафовутлардан воқиф этади. Гўё сўз ва мисра олмос ва пичоқ бўлади-ю, шеърӣй санъатлар эса уларни чархлайди»⁴⁰.

«Девону лиғатит турк» орқали етиб келган шеърӣй парчаларда бадий тасвир воситалари ҳар бир шеърнинг моҳиятига кўра ўзига хос хусусиятлари

⁴⁰ Раҳмонов В. Шеър санъатлари. Ленинобод, 1972. –Б. 10.

билан намоён бўлади. Улар бадииятини таҳлил этиш натижасида шеърий санъатларнинг қадимги турк оғзаки шеърияти поетикасидаги ўрни аниқланади.

Бадиий тасвир воситаларининг шаклланиши бадиий тафаккур тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Бу – поетик санъатларнинг генезиси жуда қадимда эканлигини билдиради. «Девону луғатит турк»даги шеърий парчаларда қўлланилган бадиий санъатларни қиёсий ўрганиш қадимги туркий адабиётдаги мавжуд бадиий воситалар илк классик давр адабиётида ҳам давом этганлигини кўрсатади. Бундан туркий адабиётнинг узлуксиз тараққиётда бўлганлигини сезиш қийин эмас.

«Девон»да муболағали мисра, байт ёки тўртликларга ҳам дуч келиш мумкин. Ундаги лирик шеърларда кўпроқ ошиқнинг изтиробли ҳолатларини бўрттириш этакчи ўрин тутди:

*Awlab meni qoymañiz,
Ayıq ayib qaymañiz,
Aqar közüüm uş teñiz,
Tegrä yürä quş uçar* (ДЛТ.ІІ.51).

Таржимаси:

*Аввал асир қилмангиз,
Сўнгра ташлаб қўймангиз.
Кўз ёшларим чун денгиз,
Теграсида қуш учар* (А. Қаюмов тарж).

Маъшуқа ваъдасига вафо қилмаганлиги сабабли ошиқнинг кўзидан тинимсиз ёш оқади. Шоир фикрича, бу ёшлар йиғилиб, денгиз ҳосил қиляпти. Кўз ёшларидан пайдо бўлган денгиз атрофида эса қушлар учиб юрибди. Муболаға усули бу ерда ошиқнинг маъшуқа дардидаги азобларини кучайтираяпти.

Муболаға усулидан ёзма адабиётда ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам кенг фойдаланилган. Ўтмишда, шунингдек, кейинги даврларда яратилган мумтоз поетикага оид тадқиқотларда ҳам муболаға тўғрисида фикрлар учрайди.

Жумладан, Атоуллоҳ Хусайний бу тасвир воситаси ҳақида «... муболаға андин иборатдурким, сўзлагучи бир нимани васф этарда анинг кучлилиги ёки кучсизлигининг ортиқлигин, ул ортиқлик одатдин ташқари ёки эшиткучи ул васф этук эрмас деган хаёлга бормайтурган даражада, даъво қилур», – деб ёзса, Фитрат «Адабиёт қоидалари» рисоласида «Туйғуларимиздан бирининг жуда кучли эканин билдирмак, уни бўлганидин бир оз орттириб кўрсатмакка муболаға деймиз. Муболаға чин (самимий) бўлса, жудаям ошириб юборилмаса, зўраки, ясама бўлмаса, туйғулардоғи кучлилик – ўткирликни онглатишка катта ёрдам қиладир», - деб қайд этади.

«Девон»да сўз санъати – **истиора**дан ҳам ўринли фойдаланилган. Истиорада сўз ёки иборалар асл маъносида эмас, балки бошқа маънода ишлатилади ва сўзларнинг кўчма маъносини ташбиҳий боғланиш асосида юзага келади. Демак, сўзнинг маъно кўчишига асосланиш истиоранинг моҳиятини ташкил этади:

*Berīṇ meṇa söz kiyä,
Meṇlig qara tuz qīya.
Yalwīn tutar köz kiyä,
Muṇum menīṇ bilingä* (ДЛТ.ІІІ.371).

Таржимаси:

*Бергил менга сўзгина,
Эй қоракўз, боқ қиё.
Чеҳранг этди маҳлиё,
Ҳолимни англагил, ҳо.*

Маҳмуд Кошғарий «*меṇ*»сўзига мисол тариқасида келтираётган мазкур тўртликда истиора мавжуддир. Чунки иккинчи мисрадаги «*meṇlig qara*» бирикмаси ўз маъносида қўлланаётгани йўқ, балки у орқали шоир маҳбубага мурожаат этмоқда. Демак, бу ёрдаги бирикма замирида чиройли қора холли маъшуқа тушунилаётганини сезиш қийин эмас. Бу эса истиоранинг маҳсулидир.

Девонда яна бошқа маънавий санъатлардан ҳам жуда моҳирлик билан

қўлланилган. Мисол учун ташбих санъатидан. Ташбих шундай санъатки, бирор предмет ёки ҳодисанинг белги хусусиятини худди шундай белги, хусусиятга эга бўлган бошқа предмет, нарса ёки ҳодиса орқали ифодалаш, солиштириш, ўзаро қиёслаш ва шу тариқа тасвирланаётган нарса, ҳодиса ёки воқеанинг айрим хусусиятларини китобхонга жонлироқ, ёркинроқ ҳамда таъсирчан эътибор бериш ташбих санъатининг моҳиятини ташкил қилади. Ташбих ўтмиш адабиётда қўлланилган бадиий санъатлар ичида алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки шоирнинг маҳорати, хусусан, унинг тасаввур ва хаёл оламининг бой ёки қашшоқлиги ташбих орқали намоён бўлади.

«Девону луғатит турк»даги шеърини парчаларнинг мавзу доираси ранг-баранглиги сабабли ундаги ташбихларнинг қўлланиши ҳам кенг қамровлидир:

Yalwîn anîñ közi,
Yelkin anîñ özi.
Tolun ayîn yüzi,
Yardî menîñ yüräk (ДЛТ.ІІІ.40).

Таржимаси:

Сеҳргар унинг кўзи,
Мусофир унинг ўзи.
Тўлин ой каби юзи,
Ёрди менинг юрагим.

Тўртлик маъшуқанинг гўзаллиги тавсифига бағишланган: кўзнинг сеҳрли – чиройли бўлиши кишининг кўнглини ўзига жалб қилса, юзнинг тўлин ойга ўхшатилиши маъшуқанинг латофатлилигидан далолат беради. Шу сабабли лирик қаҳрамон унга ошуфта.

Хулоса қилиб айтганда, жанрларнинг такомилида бадиий тасвир воситаларининг вазифаси муҳим омил экани намоён бўлади. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда қўлланилган бадиий тасвир воситалари илгари сурилаётган фикрларни, мисраларда берилаётган мазмунни ифодалаш учун восита бўлиб хизмат қилади ва, шу билан бирга, улар мисра, байт ёки

асарнинг жозибалилиги, образлилиги, таъсир кучини ошириш каби муҳим вазифаларни ҳам бажаради. «Девон»даги шеърларда ташбих, тақрир, нидо, жонлантириш, муболаға каби бадиий усулларнинг қандай таъсирчанликка эришилганлиги кузатилса, истиора, тажнис, тазод кабилардан кенг фойдаланилганлиги кўринади. Умуман, қадимги туркий ёзма ёдгорликларда кўплаб бадиий санъатлардан усталик билан фойдаланилиб, улар орқали шеърӣ мисралар мазмунини аниқроқ, жонлироқ, чуқурроқ ифодалашга ҳамда бадиий қимматини оширишга эришилади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР:

Ушбу малакавий-битирув ишимиз якунида қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

- Оғзаки шеърят намуналари туркий халқларда жуда қадимдан қўшиқлар кўринишида шаклланганини кузатишимиз мумкин. Хусусан, бунадай қўшиқлар ичида лирик шеърлар айниқса, ўзининг оҳарли жиҳатлари билан кейинги давр лирикаси учун муҳим асос бўлди.

- Халқ оғзаки ижод намуналарининг лирик тури қўшиқ, афсона, ривоят, марсия, топишмоқ ва ҳатто мақол каби жанрларга бўлинади. Буларнинг деярли ҳар бир турини «Девону луғатит турк» асарида учратишимиз мумкин.

- Қўшиқ атамаси илк бор «Девону луғатит турк» асарида келган бўлиб, ўша даврларда ҳар қандай шеърий шаклдаги парчаларга шу номни берганлар. Лирик қўшиқларнинг «Девон»да турли хил кўринишларни ифодалаб, маълум оҳангга солиниб ижро этилиши шеърий вазнларнинг ўз ўрнида келишини таъминлайди. Ушбу қўшиқларнинг бугунги кунда ифода этаётган маъноси эса тахминан, Навоий замонасига тўғри келади. Худди шу замонлардан бошлаб қўшиқ ва шеър айро ҳолда тасаввур этила бошланди.

- «Девон»даги лирик шеърлар ифодалаш объекти жиҳатидан ҳам, ранго-ранглик жиҳатидан ҳам оҳангдорликка эгадир. Шунингдек, уларни илгари сурилаётган ғоя ва мавзуларига қараб ҳам бир неча гуруҳга ажратиш мумкин: ҳижрон дарди, ошуфтаҳол ошиқ тимсоли, маъшуқа васфи, жафокаш маъшуқа образлари каби.

- Лирик қўшиқларда ошиқнинг орзу-истаклари, ўй-фикрлари, муҳаббат каби энг нозик ва айти пайтда кўплаб можароларга сабаб бўлган муҳаббат кечинмалари ҳақидаги тафсилотлари юксак бадий талқинида ўз ифодасини топгандир.

- «Девон»даги лирик шеърлар инсонларни эзгу амалларга чорлаши билан бир қаторда ёвуз ниятли бўлмасликка, ҳаётда ҳамма нарсадан ибрат олиб, тўғри хулоса чиқаришга ва муҳаббат аталмиш муқаддас туйғуни пок

сақлашга ундайди.

- Лирик қўшиқлар туркий халқлар эстетик дидининг нечоғлиқ бой экани, уларнинг азалдан сўз санъатига алоҳида меҳр билан қараганлари, бадиий тўқимада ўз даврининг энг илдам халқлари билан беллаша олиш даражасида адабий заҳирага эга эканини намойиш этади. Шунингдек, ушбу қўшиқларда туркийларнинг бадиий қарашлари ҳам намоён бўлди.

- Лирик қўшиқлар турли бадиий-тасвирий воситаларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Улардаги оддий эпизодларнинг ҳам юксак бадиий савияда ёзилганлиги аجدодларимизнинг сўзга чечанлиги, билидирилаётган фикрлар жимжимадор тарзда ифода этиш маҳоратини намоён этади.

- «Девон» туркий халқлар лирика тафаккурининг бой ва сермахсул эканини бадиий йўсинда асослаб берувчи асардир. Зеро, ушбу шеъринг узиндилар гоёвий томонлари билан ҳам, бадиий томонлари билан ҳам туркий қавмларнинг ўзигагина хос бўлган кечинмаларини ўрганишда энг ишончли манбадир.

- «Девон»да келтирилган шеъринг парчаларда бадиий санъатлар ва уларнинг ўринлашуви масаласи эътиборга моликдир. Негаки, ушбу лирик шеърлардаги қўлланган бадиий санъатлар туркий халқлар адабиётида дастлабки сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бундай шеъринг санъатлардан бир нечта турларини келтириш мумкин: ташбих, тазод, истиора, тажнис, тақрир, муболаға, ирсоли масал каби.

- Умуман олганда, лирик парчаларда тилга олинган бадиий санъатлар кейинги давр шеърятининг ҳамма турларида ҳам фаоллик билан ўринлашишида ўз аксини топди. Бу санъат турларининг кўпчилиги илк бора туркий халқлар адабиётида «Девон»да келирилган, десак хато бўлмайди.

- «Девон»даги оғзаки лирик узиндиларнинг фақат мавзу кўлами эмас, балки жанри ҳам турли-тумандир. Ушбу парчалар, асосан, тўртликларда ёзилган. Уларнинг кўпчилиги етти-саккиз ҳижоли бўлиб, «а-а-а-а», «а-а-а-б», «а-а-б-а», «а-б-в-б» тарзида қофияланган. Улар шакл ва мазмун жиҳатидан ҳозирги қўшиқларга анча яқин туради.

- Шеърларнинг кўпчилиги 7-8 ҳижода ёзилиши эса бевосита туркийларнинг фаол ўйноқи ва енгил оғзаки ижоди билан характерланади. Чунки, туркийлар бепоён ҳудудда қавмлар ўртасидаги маъросим ва тантана жараёнидаги иштироки, кундалик фаолияти жиҳатидан серғайрат ва курашчан халқ бўлганлиги тарихдан сир эмас, албатта.

Хулоса шуки, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари қадимги туркий халқларнинг шаклланаётган адабиётини ўзида мужассам этган қимматли манбадир. Асарда бирор сўзнинг изоҳи сифатида келтирилган адабий парчалар ва узиндилар бу фикримизни тасдиқлайди.

Девондаги шеърий парчалар бир неча асрлар илгари яратилган бўлишига қарамай, бадий савияси жиҳатидан юқори туради. Уларнинг тўртликлар ва иккиликлар шаклида изчиллашгани, қатъий қофия тизимига эга эканлиги, айниқса, бадий тасвирий воситаларга бой экани бунга исбот бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Сиёсий адабиётлар:

1. *Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch.* -Т.: О'zbekiston, 2008.
2. *Karimov I.A. Adabiyotga e'tibor – ma'naviyatga, kelajakka e'tibor.* –Т.: О'zbekiston, 2009.

Илмий адабиётлар:

3. *Абдурахмонов А.* Туркий халқлар оғзаки ижоди (Энг кадимдан исломгача бўлган давр). Т., 2004.
4. Адабиёт назарияси. *М.К. Нурмухамедов* таҳрири остида. 2 жилдлик. 2 жилд. –Т.: Фан, 1979.
5. *Алишер Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16 том. –Т.: Фан, 2000.
6. *Алишер Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3 том. –Т.: Фан, 1988.
7. *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Санга кўнглумни олдурдум. Тузувчи: Очилов Эргаш. Т.: Ўзбекистон, 2011.
8. *Исҳоқов Ё.* Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983
9. Қадимий ҳикматлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1987.
10. *Маҳмуд Қошғарий.* Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк), III томлик. I том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. –Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси, 1960.
11. *Маҳмуд Қошғарий.* Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк), III томлик. II том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. –Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси, 1961;
12. *Маҳмуд Қошғарий.* Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк), III томлик. III том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. –Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси, 1963
13. *Рауф Парфи.* Туркистон руҳи. Сайланма. –Т.: Шарқ, 2013.
14. *Раҳмонов В.* Шеър санъатлари. Ленинобод, 1972.
15. *Раҳмонов В.* Шеър санъатлари. Хўжанд, 1972.

16. *Рустамий С.* «Девону луғатит турк»даги лингвистик атамалар. –Т., 2006.
17. *Рустамов А.* Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т.: Фан, 1977.
18. *Содиқов Қ.* Эски туркий битиглар. –Т., 2009.
19. *Султон И.* Адабиёт назарияси. –Т., 1980.
20. *У. Турсунов, Б. Ўринбоев, А. Алиев.* Ўзбек адабий тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
21. *Хожиаҳмедов А.* Шеър санъатларини биласизми? –Т.: Шарқ, 2001.
22. *Ҳаккулов И.* Ўзбек адабиётида рубоий. –Т.: Фан, 1981.
23. *Хожиаҳмедов А.* Шеърини санъатлар ва мумтоз қофия. –Т.: Шарқ, 1998.
24. *Berdak Yusuf.* Mumtoz adabiy asarlar lug'ati. –Т.: Sharq, 2010
25. *Orzibekov R.* O'zbek adabiyoti tarixi (XVII-XIX (I yarmi) asrlar). –Т., 2006.
26. *Sodiqov Q.* Turkiy til tarixi. –Т., 2009.
27. *R.J. Vohidov, H.P. Eshonqulov.* O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi (Eng qadimgi davrlardan XVI asr oxirigacha). –Т., 2006.
28. *Xolboboyeva Nilufar.* «Devonu lug'atit turk»da qo'llanilgan tilshunoslik va adabiyotshunoslikka oid turkiy atamalar. Magistrlik dissertatsiyasi. –Т., 2013.

Мақолалар тўплами:

29. *Бобоназар Алиев.* Лирикада руҳият таҳлили // «Ўзбек тили ва адабиёти». –Т., 1990, 2 сон.
30. *Исҳоқов Ё.* Шеърини санъатлар. Ийҳом // «Ўзбек тили ва адабиёти». –Т., 1970, 1 сон.
31. *Нурмонов Абдуҳамид.* Маҳмуд Кошғарийнинг лингвистик қарашлари // «Тил ва адабиёт таълими». –Т., 2012, 1 сон.
32. *Одилов Ёрқинжон.* «Девону луғатит турк»даги баъзи сўзларнинг семантикаси тадқиқи // «Тил ва адабиёт таълими». –Т., 2013, 6 сон.
33. *Ражабов Дилишод.* «Девону луғатит турк»даги адабий парчалар ҳақида // «Тил ва адабиёт таълими». –Т., 2013, 2 сон.
34. *Фазлиддинов Бехзод.* Лирикада фикр ва туйғу уйғунлиги // «Ўзбек тили ва адабиёти». –Т., 2012, 1 сон.

Интернет сайтлари:

- 35. www.ziyonet.uz
- 36. www.google.uz